Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 29 январь • Шанба • № 8 (14169) تركستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

Президент Швейцарияга жўнаб кетди

27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро иқтисодий анжуманда иштирок этиш учун Швейцариянинг Давос шаҳрига жўнаб кетди.

Президент аэропортда журналистларнинг саволларига жавоб берар экан:

— Анжуманда мамлакатимиз учун энг долзарб масалаларни, жумладан, Ўзбекистонни нефть маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоларини, коммуникацияни ривожлантириш борасидаги таклифларимни ўртага ташламоқчиман, —деди. — Йирик сармоядорларни, ишбилармонларни юртимизга қизиқтиришни, жаҳоннинг кўзга кўринган иқтисодчи олимлари нигоҳини республикамизга қаратишни энг асосий вазифалардан бири деб ҳисоблайман. Халқаро Давос анжумани бу борада катта имкониятлар яратади, деб ўйлайман.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов ва А. Азизхўжаев, Ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

МАҲАЛЛА—ВАТАН ТИМСОЛИ

27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида вазирликлар, концернлар, давлат қўмиталари, уюшмалар, корпорациялар раҳбарлари, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳудудий бўлимлари бошлиқлари ва маҳалла фаоллари иштирокида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига ўтказилган сайловлар якунига бағишланган йиғилиш бўлди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков йиғилишни очиб, жумладан шундай деди:

— 1992 йилда Президентимиз ташаббуси ва Фармони билан таъсис этилган республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, фуқароламизнинг тотувлиги ва аҳиллигини таъминлашда, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, қадимий анъаналарни тиклашда хайрли ишларни амалга оширмоқда. Маҳалла кенгашлари фаолиятини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг, ишлаб чиқариш корхоналарининг, меҳнат жамоаларининг муҳим вазифасидир.

Президентимиз мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, турли миллат вакиллари ўртасида меҳр-оқибат ва тотувликни янада мустаҳкамлаш мақсадида мазкур жамғарма фаолиятига катта эътибор бермоқда. Бугунги йиғилишдан мақсад жамғарма фаолиятини янада такомиллаштириш йўлларини белгилаб олишдан иборатдир.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Темуров ўтган давр мобайнида бажарилган ишлар, келгуси режалар ва мавжуд муаммолар ҳақида гапирди.

И. Жўрабеков республика Президентининг Фармонига мувофиқ миллий ва маънавий анъаналарни ривожлантиришдаги самарали хизматлари, аҳоли ўртасидаги тарбиявий ишларга қўшаётган ҳиссалари учун республиканинг фахрий унвон ва ёрлиқлари билан тақдирланган бир гуруҳ маҳалла фаолларига мукофотларни топширди.

Йиғилишда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари М. Қорабоев, А. Возненко, Қ. Ҳаққулов, К. Тўлаганов, Б. Ҳамидов, В. Чжен, Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ёқилғига, энергия манбаларига, техника ва асбоб-ускуналарга харажатлар муттасил ошиб бораётган шароитда республиканинг шаҳарда ва шаҳар атрофида йўловчи ташувчи транспортининг барқарор ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Аҳолига сотиладиган ёқилғи, энергиянинг ва кўрсатиладиган хизматларнинг чакана нархлари ҳамда тарифларини ўзгартириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорга мувофиқ 1994 йил 1 февралдан бошлаб метро, трамвай, троллейбус ва автобусда бир марта юришнинг чекланган тарифи 50 «сўм-купон» қилиб белгиланди.

Шу йилнинг 1 февралидан бошлаб шаҳар атрофида автотранспортда йўловчилар ташиш тарифларининг амалдаги чекланган миқдорлари ҳар бир километр масофа учун умумий турдаги автобусларда 8,5, юмшоқ ўринли автобусларда 12,5 «сўм-купон» қилиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан аҳолининг айрим тоифалари учун йўловчи ташувчи шаҳар транспортида ва шаҳар атрофида қатновчи автомобиль транспортида юриш бўйича ҳозирги вақтда амалда бўлган имтиёзлар сақланиб қолади.

ОЛДИНДА КЕЛАЖАК ТУРАР АЛОМАТ...

КИЧИК КОРХОНА ОЧМОҚЧИМИСИЗ? МАРҲАМАТ!

ЁКИ «СОБИР РАҲИМОВЧИ» — ҲОЖАТБАРОР МАРКАЗ ХУСУСИДА

СЕНДАН ҲАРАКАТ, мендан барақат, деган гап бор. Мустақиллик халқимизнинг ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган, аммо тоталитаризм тузуми даврида ёпиб ташланган сарчашмаларининг кўзини очди. Эр йигитлар эл ғамида ҳаракатга тушиб, иқтисодий қийинчиликлардан чиқиш, бозорларимизни молларга тезрок тўлдириш йўлларини излай бошладилар. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бу соҳада фаолият кўрсатишга отланганларга ҳуқуқий асослар берадиган бир қатор қонунлар қабул қилинди.

ЯШАРИШ ФАСЛИ МАЪНАВИЯТГА ҲАМ, ИҚТИСОДИЁТГА ҲАМ ИЗЧИЛ ИСЛОҲЛАР КИРИТМОҚДА. ШУ МАЪНОДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРЬ ФАРМОНИ ЭЪТИБОРГА МОЛИКДИР. ДИЁРИМИЗДАГИНА ЭМАС, ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ҲАМ У ИСЛОҲОТДАГИ ТУБ БУРИЛИШ СИФАТИДА БАҲОЛАНМОҚДА. УНДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ХУСУСИЙ МУЛК ВА ИШБИЛАРМОНЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН. ШУКУҲЛИ БУ ҚАДАМ ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИ ҲАМ НУРЛИ МАНЗИЛЛАР САРИ ҚАНОТЛАНТИРДИ.

Куни-кеча эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Бироқ, касалнинг келиши осон, дарднинг ариши қийин деганларидек, ўтмишдан қолган ғовлар, қарашлар уларнинг йўлларида тўсиқ бўлиб қолаверди. Ахир бир тадбиркор кичик корхона ёки ферма очмоқчи бўлса, кўп елиб-югуришига, ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда туман ҳокимиятидан рўйхатдан ўтказиш учун кўп чийрикдан ўтиши лозим эди.

Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчидан, хайрли ишни бошлаш ниятидаги ҳар ким ҳам ҳужжатларини мукаммал тайёрлай олмаслиги аён. Бунинг учун нима қилиш керак? Уларнинг мушкулларини осон қилишнинг йўли қандай? Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида кўп жумбоқлар қатори бу саволга ҳам лўнда жавоб берилди. **«Жойлардаги ҳокимлар ва мутахассисларга кўпроқ ишониш ва уларга эркинлик бериш вақти келди, — деб таъкидлади Президентимиз. — Келаётган маълумотлар ва текширишлар шуни кўрсатадики, масъулиятни яхши англаётган, ваколатлари ва халқ ишончидан тўғри фойдаланаётган ҳокимлар жуда катта ижобий ишларни амалга ошириб, эл ҳурматига сазовор бўлмоқдалар».**

Чиндан ҳам шундай. Бунга Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимияти тадбиркорларнинг ташвишларини енгиллаштириш ҳамда расмиятчиликни қисқартириш юзасидан қўйган амалий қадами диққатга сазовор. Бу ерда тадбиркорларнинг ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда уни рўйхатдан ўтказиш билан бевосита шуғулланадиган «Собир Раҳимовчи» хўжалик ҳисобидаги марказ фаолият кўрсата бошлади. Мухбиримиз шу марказнинг мудири **Абдураҳмон ҒОФУРОВ** билан мулоқотда бўлди.

— Марказ қачон ташкил топган ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат?

— Марказ 1989 йилда расман ташкил топган. Уша даврдан буён фаолият кўрсатиб келарди. Лекин унинг вазифаси ҳозиргидек эмасди. Бошқача қилиб айтганда, кичик корхона ёки фирма очишга жазм қилган кишиларга маслаҳатлар, қандай ҳужжатлар тайёрлаш, ҳокимиятнинг қайси бўлимларига мурожаат этиш лозимлиги сингари ишларни бажариш билан чекланарди. Қолган ишларнинг ҳаммаси эса ўша тадбиркорнинг ўз зиммасида эди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат бошқарувида, тармоқ ва хўжалик раҳбарлигида, назорат қилувчи ташкилотларида, жойлардаги ҳоким ва бошқа мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишни қатъий қилиб қўйди. Мамлакатимиз олдида турган энг муҳим, энг долзарб масалаларни ҳал этишнинг аниқ йўл-йўриқлари баён қилиб берилди. Бу аввало тадбиркорларга кўмаклашиш, улар фаолият бошлаши учун йўлига яшил чироқ ёқишдир.

Шу чироқни ёқишнинг ўзи кифоя қиладими? Ахир эркинликка қўйилган, аммо қаноти боғланган қуш парвоз этолмайди. Қанотини ечиб қўйганда ҳам уни ёзиши учун кўп уринишига, тарашига тўғри келади. Яхши ният билан хайрли ишга қўл ураётган тадбиркорларимиз ҳам мисоли мана шу қушдек эди. Биз ҳокимиятнинг мутасадди бўлимлари билан маслаҳатлашиб, уларнинг мушкулларини осон қилишга қарор бердик. Тадбиркорлар шу пайтгача ўзлари елиб-югурадиган, тайёрлайдиган ҳужжатларни ўзимиз тайёр қилиб беришга ҳамда рўйхатдан ўтказган ҳолда уларнинг қўлига тутишни мақсад қилиб қўйдик.

Бу ташаббусни ҳоким Ҳотам Маҳкамович Абдураимов ҳам қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, шу йилнинг 4 январидан бошлаб қайта тузилган марказ ўз фаолиятини бошлади.

— Эндиликда кичик корхона ёки фирма очиш ниятида бўлган тадбиркор нима қилиши керак?

— Бундай киши марказимизга марҳамат қилиши мумкин. Биз унга ҳоким номига ариза ёзишни, ана шу кичик корхона ёки фирма учун ажратилган жой тўғрисида справка олишни, корхона директорининг шахсий варақасини тўлдиришни, давлат суғуртасига белгиланган маблағ тўланганлиги ҳақида қоғоз олиб келишни маслаҳат берамиз. Ана шундан кейин марказимизга белгиланган миқдорда пул ўтказгандан сўнг ўша кичик корхона ёки фирманинг муассислиқ шартномаси, уставини рус ва ўзбек тилларида ўзимиз тайёрлаб, рўйхатдан ўтказган ҳолда уларнинг қўлларига берамиз.

— Нега икки тилда?

— Ўзбек тилидаги ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Ахир тадбиркор фақат Ўзбекистон ҳудудидаги корхоналар, ташкилотлар, жамоалар билан олди-сотди қилиш, шартномалар тузиш, мол алмашиш ва бошқа фаолиятлар кўрсатиш билангина чекланиб қолмайди-ку. У ўз корхонаси фаолиятини йўлга қўйиб, оёққа туриб олиши биланоқ қанотини кенг ёяди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги ўз шериклари билан шартномалар тузади, мол алмашади. Шунда рус тилида тайёрланган ҳужжатлар зарур бўлади.

— Шу йил январининг ўтган 20 куни мобайнида марказ нечта тадбиркорга ўз хизматини кўрсатди?

— Ҳозиргача тўққизта кичик корхона ва фирманинг ҳужжатлари тайёрланиб, улар тадбиркорлар қўлига топширилди. Мана шу рақамнинг ўзи ҳам бу соҳада иш ёмон юришмаётганлигидан далолат. Биз ҳаммамиз бўлиб етти киши ишлаймиз. Яъни мен, бир муовин, ҳуқуқшунос, бухгалтер, таржимон ва иккита машинистка. Оз киши бўлса-к ҳам тадбиркорларнинг ҳужжатларини тез ҳамда улар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган, амалда бўлган қонунларга мос тарзда соз тайёрлаб берилаяпти. Агар бирор бир киши кичик корхона ёки фирма ташкил этишдек хайрли ишга қўл урмоқчи бўлса, марказимизга марҳамат қилсин. Унинг хизматида бўлишдан хурсандмиз.

Суҳбатдош Карим РАҲИМ.

Ишнинг кўзини билса

ЯШИЛ ЧИРОҚ

У ҲАМИША ЙЎЛ ОЧИҚЛИГИНИ БИЛДИРАДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲАР БИР ФАРМОНИ ҲАРАКАТИМИЗ УЧУН АСОСИЙ ДАСТУРДИР. БУ — ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДАГИ «УМИД» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ РАҲБАРИ ИМОМАЛИ НАЗАРОВНИНГ ҚАТЪИЙ ФИКРИ.

Суҳбатдош ҳақида қисқача маълумот: Назаров Имомали Турдиалиевич, эндигина 30 ёшдан ошди. Олий маълумотли зоотехник. Бир неча йил хўжаликда ферма мудири бўлиб ишлаган. Уч йилдирки, у фермер хўжалигининг бошлиғи. Оилали, уч фарзанди бор.

У билан суҳбатимиз асосан фермер хўжаликлари хусусида.

Даврага бир кўз югуртирдим. Ҳамма ака-укаларим, опа-сингилларим, поччаю куёвларимиз жим. Биров чурқ этиб оғиз очишга ботинолмаяпти. Нима бўлса бўлди, дедим-у, секин гап бошладим:

— Агар хўп десаларинг, қўллаб-қувватлаймиз, ёлғиз латмаймиз десаларинг мен тузаман шундай фермер хўжалигини.

Секин-аста ҳамма тилга кирди. Бора-бора чувиллашиб кетишди.

— Қараб турмаймиз.

— Сен аввалига бу ишни бошла-чи.

— Оиламиз билан ёрдам берамиз...

Байрам сабаб дадамизнинг уйига борган куним шундай фермер хўжалиги тузишга аҳд қилдим. «Комсомол» давлат хўжалиги раҳбарларига мурожаат қилдим. Талабимни қондиришди. Менга 40 бош бузоқча, 25 гектар ер, эски товуқхона биноси ажратиб беришди. Жамғарма банкидан узоқ муддатга — 20 йилга мўлжаллаб 100 минг сўм қарз олдим.

Ўша йили ҳар ҳолда ишимиз ёмон бўлмади. Давлатдан олинган қарз ўша йилиёқ тўланди. 50 тонна сут етказиб бердик. Қарабсизки, секин-аста ишимиз ҳам юришиб кетди. 1992 йили эса сут ишлаб чиқариш миқдорини икки ҳисса оширдик. 90 тонна дон, 2 тонна семиз гўшт етказдик.

— Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида иш юритишнинг ўзи бўлмаётган бўлса керак? Албатта, сиз раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида ҳам муаммолар бўлиши шубҳасиз. Тўғрими?

— Табиатим ўзи шунақа. Бирор ишга қўл урдимми, албатта, уни охирига етказмагунча кўнглим ҳам, ўзим ҳам тинчимайман. Ҳар қандай тўсиқ бўлсин, енгиб ўтишга интиламан. Сиз айтгандек қийинчиликлар ҳам бўлди. Яширишнинг нима ҳожати бор. Ҳали ҳам юқоридан бўлган фармонларни бажаришга тўсқинлик қилаётган раҳбарлар йўқ эмас. Оз бўлсада бор. Менимча, Президентимиз бирор-бир кўрсатма бердими, уни албатта бажаришимиз шарт.

(Давоми 2-бетда).

Кўнгилдаги гаплар

ЁШЛИК—БУЮК АФСУНГАР

Азиз газетхон! Бугун «Кўнгилдаги гаплар» деган янги рукн остида учинчи саҳифада илк мақолани ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз. Муддао, табиийки, ёшлик ҳақида баҳс. Кеча у қандай кечган? Бугун-чи? Ёшларнинг олдига қандай талаблар қўйилаётир? Ватан биздан нени кутаётир, биз нима бера олдик унга? Бурч, фуқаролик масъулияти...

Агар муаллифнинг қарашлари Сизда баҳсталаб фикрлар қўзғаса, янада яхши, ҳеч тортинмай мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг. Уни ҳам эълон қиламиз, фикрлашамиз, чунки кенгашли тўй тарқамас, дейди халқимиз.

Ҳар ҳолда, бугунги суҳбатдошингиз айтган фикрлар Сизни лоқайд қолдирмайди, танишинг:

У—ўрта мактабни тугатиб, сўнг тўртинчи синфда ўқитувчилик қилган;
ёши етмаса-да, кўнгилли бўлиб урушга кетган;
йигирма ёшида ижроқўм раислигига сайланган:

бир неча вилоятга раҳбарлик қилган;

Бош вазир ўринбосари бўлиб ишлаган;

ҳозир республика Фахрийлар кенгаши раиси —

Бектош РАҲИМОВ.

3-БЕТГА ҚАРАНГ

Ёшлар Иттифоқида нима гап?

КОТИБ ЯНГИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Самарқанд вилоят қўмитасининг навбатдан ташқари учинчи пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ёшлар Иттифоқи Самарқанд вилоят қўмитасининг биринчи котиби Бўрибой Бўронов Ўзбекистон Халқ Демократик партияси вилоят кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди. Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби этиб шу қўмитада котиб бўлиб ишлаган Нарзулла Ҳазратов, ташкилий ишлар бўлими мудири бўлиб ишлаган Комил Муродов котиб этиб сайланди.

Пленумда Самарқанд вилоят ҳокимининг биринчи муовини Неъмат Ҳолиқов ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Алишер Тешабоевлар қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Гули ЧЕҲРА, «Туркистон» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

1994 йил 28 январь куни Қ. Аҳмедов раислигида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIV сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига биноан Марказий сайлов комиссияси раисининг муовини этиб Қашқадарё вилояти халқ суди раисининг ўринбосари Чори Муқимов, Марказий сайлов комиссиясининг котиби этиб Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар иқтисодиётини мувофиқлаштириш ва статистика бўлими бошлиғи Алишер Аҳмедович Анорқулов сайландилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси ҳақидаги низом, шунингдек, юқорида қайд этилган қонун талабларидан келиб чиқадиган ташкилий тадбирлар режаси тасдиқланди ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссиясининг манзили: 700008, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5.

Телефонлар 39-43-91, 39-51-85, 39-11-43.

Шу — СОНГА ХАБАР

ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ТАШАББУСИ

Президентимизнинг мамлакатимизда ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш хусусидаги фармони ҳеч биримизни бефарқ қолдирмади. Бу иқтисодиётимизда туб бурилиш ясовчи фармонга, айниқса, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчилар қатори «лаббай», деб жавоб бердилар. Яқинда Ёшлар Иттифоқи Марказқўмининг ташаббуси ва ташкилотчилиги остида Андижон шаҳрида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёш ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтади. Биз анжуман ҳақидаги батафсил маълумотни газетамизнинг кейинги сонларидан бирида эълон қилишни режалаштирдик.

(Ўз мухбиримиз).

ҚАШҚАДАРЁ

Ёшлар Иттифоқи Қашқадарё вилоят қўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят ташкилотининг 1993 йил давомида амалга оширган ишлари тўғрисида Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси биринчи котиби Долли Аллаев маъруза қилди. Пленумда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи XXVI қурултойига вилоят ташкилотларининг нуқтаи назари тўғрисидаги масала кўрилди, делегатлар, марказий сайлов органларига вилоят ташкилотидан вакиллар сайланди.

Пленум ишида вилоят ҳокимининг муовини Раим Раҳмонов ҳамда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котиби Боймурод Юсуповлар қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Шу — СОНГА ХАБАР

Ҳозирги ёшлар

НОЛИМАЙМИЗ, ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ

ҲОЗИР республикамиз Ёшлар Иттифоқи ташкилотларида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг навбатдаги XXVI қурултойига тараддуд ишлари қизғин олиб борилаяпти. Ҳар бир ёшлар ташкилоти ўтиш даврининг икки йиллиги мобайнида эришган ютуқларини сарҳисоб қилиб, келажак режаларини белгилаб олаяпти.

Ёшлар Иттифоқи Жиззах вилоят қўмитасининг биринчи котиби Комилжон АБДУСАТТОРОВ билан мулоқот шу ҳақда.

— Комилжон, иқтисодий ва шунинг сингари қийинчиликлар ҳаммага маълум. Биз бу ҳақда оҳ-воҳ чекиб ўтирмасдан, бира тўла бажарилаётган ва бажарилиши зарур бўлган ишлар хусусида фикр юритсак.

— Кириш сўзисиз, гапнинг пўст калласини айтавер, демоқчисиз-да... Яхши, биз вилоят ҳокимлигида раҳбарлар, ташкилот ва корхоналарнинг бошлиқлари иштирокида «Давра суҳбати» уюштирган эдик. Унда ёшларнинг жамиятда тутган ўрни, ишсизлик ва бошқа кўплаб масалалар кўтарилди, аксарият муаммоларни ечиш, ҳокимлик ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар зиммасига юклатилди. Қандай бўлганда ҳам ҳамма нарса иқтисодга келиб тақалаверади. Ва ниҳоят, шаҳар ва туманларда ёшлар жамғармаси ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Жамғарма моддий жиҳатдан кам таъминланган ёшларга, байналмилал жангчиларга, ногиронларга, боқувчисини йўқотган болаларга моддий ҳамда маънавий ёрдам бериши, ўқувчи ва талабаларнинг, иқтидорли ёшларнинг ҳайрли ишларини қўллаб-қувватлашни кўзда тутади.

Хуллас, шу йўналишда ҳозирча фақат Зомин ёшлар жамғармаси таъсис этилди. Бундан ташқари йигит-қизларимизнинг мароқли дам олишини уюштириш, бўш вақтини кўнгилли ва мазмунли ўтказишни ташкил этишни ўзимизнинг асосий вазифаларимиздан бири деб ҳисоблаймиз. Бу борада ёш санъаткорларнинг «Камолот» кўрик-танлови, «Дилдан суҳбат», «Қувноқлар ва зукколар» каби тадбирларимиз анъанага айланди. Ёшларни жисмонан чиниқтириш ниятида бир қанча спорт мусобақаларини уюштирдик.

— Соғлом авлод учун кураш фақат шиоргина эмас, амалий фаолият бўлиши муҳим. Имоним комилки, яқин йилларда жаҳон олимпиадаларида, биринчиликларида ўзбек йигит-қизлари тез-тез шоҳсупага кўтарила бошлайдилар. Лекин бунинг учун ҳозирдан қаттиқ меҳнат қилиш зарур.

— Ҳа, шундай. Афсуски, ҳозирча моддий базамиз ғоят ночор, спорт иншоотлари етишмайди, борларининг аҳволи эса... Нимасини айтай, ҳаммасини тушунамиз, шу сабабли нолиётганимиз йўқ, қўлдан келганича борига барака тилаб ҳаракат қилаяпмиз. Қолаверса, буни бозор шароити дейдилар. Пули бўлмаган одам мусиқага буюртма бера олмайди. Афсуски, айрим туманларимизда Ёшлар Иттифоқи қўмиталарида ишловчилар учун ойлиқ маошни қаердан олишни билмаяпмиз. Шу сабабли кадрларимиз сони кескин қисқарди. Хўжаликларда ва ташкилотларда Ёшлар Иттифоқи ташкилоти котиби лавозими мутлақо тугатилган. Буни бизнинг ташкилотга эмас, балки умуман ёшларга нисбатан беписандлик деб қарамоқ жоиз. Айрим раҳбарларга муаммо, кўтариб кирсангиз «Бу ташкилот ҳалиям тугатилмадими?» — деб елка қисадилар. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» иборасини шиор қилиб олган эканмиз, биз ҳеч иккиланмасдан ёшларга ғамхўрлик масаласини биринчи даражага чиқаришимиз лозим. Демакки, сиз айтмоқчи, спортни ривожлантиришимиз шарт. Қайси бир буюк давлатни олманг, унинг вакиллари бугун олимпиадаларда, биринчиликларда ғолиблик қилмоқдалар.

— Биз ҳам сиз айтмоқчи бўлаётган АҚШ, Олмония, Англия сингари мамлакатлар даражасига етишимиз зарур. Бунинг учун бизданги ҳар бир ёш ватанпарвар бўлиши лозим. Шундай эмасми?

— Абулқосим, сиз ишонинг. Ўша кунларга биз етамиз. Тўғри, айримлар ёшларимизда ватанпарварлик туйғуси етишмайди, миллий онг шаклланмаган, дея даъво қиладилар. Борингки, шундай ҳам дейлик. Асрлардан бери савдогарлар маданият элтувчилар бўлганлар, лекин ҳозир бизда шаклланаётган савдогарлар эса фақат бойлик ортидан қувишаяпти. Миллиёт, маданият ҳақида улар онгида заррача фикр йўқ, дегувчилар ҳам, борингки, ҳақ бўлсинлар. Лекин огоҳ бўлинг, биз бор-йўғи иккинчи йил мустақил бўлиб, учинчи йилга дадил қадам қўйдик. Унгача 130 йил тобеликда яшадик. Шундан ҳам «Ўзбегим», «Ўзбек характери» ва шунинг сингари сўзларни айтганни миллатчига чиқаришган. Бизни шу қадар эзишганига қарамай, миллийлигимизни, ўзлигимизни сақлаб қолганлигимиз жуда катта бахт. Миллий онг, албатта, вақти келиб зарур даражага етади. Бунинг учун фақат фурсат керак. Сиз нима дейсиз? Қандай тушунсангиз, шундай тушунинг, аммо Президентимиз Ислом Каримовнинг сиёсати бугун ягона, тўғри сиёсат. Агар бу лавозимга бошқа биров чиққанида, — худо кўрсатмасин — нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё олов, жаҳаннам ичра қолар эди. Биз эндигина ўз пулимизни муомалага чиқардик. Эндигина ўз лашкарларимизни туздик.

— Ҳа, лашкар ҳақида. Темур бобомиз: «Бой мамлакатнинг лашкари қувватли бўлур, лашкари қувватли мамлакат, бой бўлур», — деган экан. Вилоят ҳарбий комиссариати бинои пештоқида шу лавҳани ўқиб, кўнглим, тўғриси, тоғдек кўтарилди. Сизлар бу йўналишда нима қилаяпсизлар?

— Бу соҳада мақтанадиган жойимиз йўқ деб айтсам бўлади. Чунки ҳамон ҳарбий хизмат жойидан қочиб келиш ҳоллари юз бермоқда. Бу ҳол ҳам ўша, сиз айтган, миллий онг тушунчаси билан боғлиқ. Биз мустақил эканмиз, энди миллий сипоҳийларимизни тарбиялаб етиштиришимиз керак. Ўтган йили ҳарбий билим юртларига вилоятимиздан 8 нафар йигит ўқишга кирди...

Сипоҳийлар тайёрлашда бизнинг ташкилот ғоят заруллиги сезилиб қолаяпти. Биз эса бугунги кун нонини топиб ейиш ғами билан кўпроқ банд бўлиб қолаяпмиз. Агар Ёшлар Иттифоқи ташкилотларига эътибор зарур даражада бўлганда 1990—91 йиллари барча туманларда биз очган ёшлар марказлари, кичик корхоналар ёпилиб кетмаган бўларди. Кейинги уч-тўрт йилда жиноятчиликнинг ўса бориши, жиноятчиларнинг аксарияти ёшлардан иборатлиги ҳам, менимча, шу даврда бизнинг ташкилот ночорлашиб бориши билан ҳарактерланса, ажаб эмас. Ахир илгари ёшлар қачон ва қаерда нима иш билан шуғулланиши бизнинг вазифамиз эди. Катталар эса... Илгари ҳам, ҳозир ҳам ишлаб чиқариш билан бандлар.

Вилоят бўйича ўсмирлар ўртасида жиноятчилик камайиш ўрнига ошиб борди. Айримлар буни иқтисодий етишмовчиликлардан кўрмоқда. Ҳолбуки, масаланинг моҳияти анча чуқур. Собиқ комсомол даврида тезкор отрядлар тузиш, тарбияси қийин ўсмирлар билан шуғулланиш ва шунинг каби бир қанча тадбирлар амалга ошириларди. Бугун биз улардан мутлақо воз кечганмиз. Аммо ўрнига бирор-бир нарсани тавсия қилмаяпмиз. Ҳолбуки, юртбошимиз: «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», — дея тайинлаяптилар. Қолаверса, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун бизга таянч. Нима бўлганда ҳам Ёшлар Иттифоқи ташкилоти йигит-қизлар тарбиясидек масъул вазифани ўзидан соқит қилмоқчи эмас.

— Сиз жуда кўп масалаларни кўтараяпсиз. Хўп, уларнинг ечими борми?

— Бор. Ёшлар Иттифоқи ташкилоти давлат тасарруфига олиниши керак. Бу соҳада ижобий қадам қўйилди. Эндиликда ёшларнинг таянадиган ўз отаси — Президентимиз бор. Бу бизга нолиш эмас, амалий ҳаракат қилишни, фарзандлик бурчини сидқидилдан бажо келтиришни тақазо этади.

Суҳбатдош:
Абулқосим Муҳаммад РАСУЛ.

ГЕНЕРАТОРЛАР «ТИРИЛМОҚДА»

Янгиариқ туманидаги «Динамо» ширкати ўтган йилни 20 миллион сўм соф фойда билан якунлади.

Корхонада транспорт воситаларининг яроқсиз генераторлари таъмирланади. Бунинг учун зарур хомашё — сим шу ернинг ўзида тайёрланмоқда.

Ширкат ишчилари республиканинг бошқа вилоятларидан келаётган буюртмаларни ҳам тез ва сифатли бажариб бераётир.

«ГУРЛАН» АКЦИЯСИ

Хоразмда илк акциялар савдоси бошланди. Унинг арзони юз минг, қиммати икки ярим миллион сўм-купондир.

Акцияларни «Гурлан» очиқ усулдаги ҳиссадорлик жамияти чиқарган. Уни харид қилганлар Гурлан туманида бунёд этилаётган тикувчилик мажмуининг соҳиби бўлади.

Маҳаллий хомашё — пахта толасидан кийим-кечак тайёрлайдиган корхона «Язекс» турк корпорацияси билан ҳамкорликда қурилмоқда. Цехларга Олмония, Италия ва Туркиянинг замонавий дастгоҳлари ўрнатилади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, у ишга тушгач, ўн беш ойда сарф-ҳаражат қопланади.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЯ АНЖУМАН

Яқинда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти профессор-муаллимларининг Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» номли маърузасини ўрганишга бағишланган илмий-назарий анжумани ўтказилди.

Анжуманда институт ректори профессор К. Юсупов, профессор-муаллимлардан М. Асқарова, Ж. Ҳасанбоев, доцент М. Лафасов, Қ. Эргашев маърузалари тингланди.

Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотига номзодлар

ДИЛДАН ДИЛГА ЙЎЛ ТОПИБ

Юз йиллардир Японияда тортиб Адриатика денгизигача бўлган улкан ҳудудда, қирқинчи-эллигинчи параллел атрофида ҳилол янглиғ ерлашган, томири бир, тили бир, дини бир турк халқлари мустамлакачилик сиёсати, турли фитнаю найранглар оқибатида бир-бирига айро тушдилар, бегона бўлдилар. Яратганга шукрлар бўлсинким, орзиқиб кутилган истиқлол шамоли ғарбий ва шарқий турк халқлари ўртасига урилган гўё темирдан мустаҳкам туюлган кўринмас деворларни қулатди. Турк улуси бир-бирини бағрига босди. Бири иккинчисининг маънавиятидан, маданиятидан баҳраманд бўлиши, ўзаро бойиши учун кенг уфқлар очилди. Халқларимизни бир-бирига яқинлаштириш, уларнинг фаровон турмуш қуришлари йўлида ғайрат қилаётган Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида айтилганидек, «маънавий потенциални ildам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини мустаҳкамлаб бўлмайди».

Ўзбекистонда яқин-яқинларгача инглиз, француз, немис, испан, қўйингки, бу ёғи Японияда тортиб у ёғи Жанубий Америкагача бўлган адабиёт намояндалари ва уларнинг асарлари ҳақида соатлаб гапиришимиз мумкин эдию, бироқ усмонли турк адабиётига келганда Нозим Ҳикмату, Нури Гунтекин, Азиз Несин каби икки-уч турк шоирию носирини санашдан нарига ўтмас эдик. Туркияда аҳвол бундан ҳам баттар эди. Ўзбек адабиёти деганда биродарларимиздан билгани Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий бобомизни билар, билмагани шундан ҳам бехабар эди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг жумҳуриятимизнинг эшиклари очилди, узоқ йиллик айриликдан сўнг қучоқлашиш имкони туғилди. Адабиётларимизнинг ўзаро бир-биридан баҳраманд бўлиш, бойиш, тажриба ўрганиши учун имконият кенгайди. Ўтган йилнинг ўзида насримизнинг гўзал намуналаридан тўрттаси— Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» ва «Қўҳна дунё», Шукрулло нинг «Кафансиз кўмилганлар» асарлари туркчага таржима этилиб, чоп қилингани ҳар иккала халқ маданий ҳаётида воқеа бўлди. Турк ўқувчиси ҳозирги замон ўзбек адабиётини кашф этди.

Бу хайрли ишнинг бошида таржимон Аҳсан Ботур турибди. У таниқли мутаржим. Араб, француз ёзувчиларининг асарларини ҳам туркчага ўгирган. Унинг ўзбек адабиёти ихлосмандига айланиши бир адабий баҳсдан бошланди. 1992 йили Туркияда бўлганимизда Аҳсан Ботур билан одатдагидек турк дунёси ҳолида очилган янги уфқлар тўғрисида суҳбатлашиб қолдик. Суҳбат мавзуи, табиийки, бадиий адабиётга келиб боғланди. Суҳбатимизда таниқли ношир, АРТ нашриётининг соҳибларидан Яшар Дуру жаноблари ҳам иштирок этаётган эди. У Туркияда бадиий адабиётга қизиқиш сусайгани тўғрисида гапириб:

— Афсуски, ўқишни унутдик, — деди.

— Ўқишнигина эмас, ёзишни ҳам унутдик, тақсир, — деди Аҳсан шунда.

— Ўқишни унутганимизнинг бош сабаби ҳам ёзишни унутганимиздир, — деди унга жавобан Яшарбей.

Суҳбат давомида бу бадиий адабиётнинг гўзал қалбли тарғиботчилари Ўзбекистонда ҳам аҳвол шундай деб ўйлашлари маълум бўлди. Мен дўстларимга ўзбек адабиётида жаҳоннинг энг зўр асарлари билан беллаша оладиган, баркамол асарлар борлиги, фақат чет эл, ҳусусан, Туркия ўқувчилари улардан беҳабар эканлигини сўзладим. Шоир ёзувчиларимизни номма-ном санаб, асарларнинг мавзуси тўғрисида имкон қадар кенгроқ тўхталдим. Аста-аста суҳбатдошларимда қизиқиш пайдо бўлаётганидан руҳланиб, жуда бўлмаганда беш-олти асар билан танишиб кўришни тавсия қилдим. Дўстларимиз тарихий мавзудаги асарларга қизиқишини эътиборга олиб, уларга шундай китоблардан етказиб бердим. Кўп ўтмай Истанбулдан Аҳсан Ботур телефон қилиб, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси»ни бир ўтиришда ўқиб чиққанини, асар унда катта таассурот қолдирганини ҳаяжон билан сўзлади ва таржима қилишга рухсат беришимизни илтимос қилди.

Хушхабарни Одил ака мамнуният билан қаршилади. Қизғин иш бошланди. Аҳсан форс ва араб тилларини яхши билгани учун асарни туркчага ўгиришда унчалик қийналмади. Айрим ўринларида маслаҳатлашиб турди. Ниҳоят, таржима тамомланди ва 1993 йил бошида «Чағдош» (яъни «Замондош») нашриёти (соҳибларидан бири — Жониб Гирифтин ўғли) томонидан чоп этилди. «Улуғбек хазинаси» романи нашридан сўнг Туркияда ўзбек адабиётига қизиқиш кескин кучайди. Орадан кўп ўтмай китобнинг қайта чоп этилганлиги шу билан изоҳланади. Бу роман жаҳон адабиётининг энг яхши намуналаридан бири сифатида эътироф этилди.

— Турк китобхонлари ўртасида китоб қўлма-қўл бўлиб кетди, — дейди Яшар Дуру. — Таржима билан дастлаб муҳаррир сифатида мен танишдим. Образларнинг қуймалилиги, ёрқинлиги мени мафтун этди.

Туркияда энг кўп нусхада чиқадиган «Туркия» газетаси ҳам 1993 йил июнь ойида Одил Ёқубовнинг бу асари «бадиий жиҳатдан нуқсонсиздир», деб баҳо берди ва уни жаҳоннинг Чингиз Айтматов, Габриэл Гарсиа Маркеслар билан бир қаторда турадиган ёзувчи деб эътироф этди.

Аҳсан Ботур кўп ўтмай, олти ой ичида ўзбек адабиётининг яна учта гўзал асарини таржима қилди, Яшар Дуру жаноблари бўлса уларни қисқа муддат ичида нашр этди. Бу асарлар нашри муносабати билан Ёзувчилар уюшмасида ва бошқа жойларда ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

Аввало, туркиялик дўстларимизнинг бу асарларни танлагани бежиз эмас. «Ўтган кунлар», «Улуғбек хазинаси», «Қўҳна дунё» ва «Кафансиз кўмилганлар» ҳақли равишда адабиётимизнинг гўзал асарлари қисобланади. Уларда халқимизнинг узоқ ва яқин ўтмиш ҳаёти тасвирланган. Эътибор беринг: «Қўҳна дунё» бизни IX—X асрлар, «Улуғбек хазинаси» бўлса ўрта асрлар, «Ўтган кунлар» мустамлакачилар юртимизга қонли чангалини чўзаётган бир даврда бирлашиш ўрнига, бир-бири билан ёқа бўғишган кейинги хонликлар даврига етакласа, «Кафансиз кўмилганлар» тоталитар совет тузуми даври даҳшатлари ҳақида ҳикоя қилади.

— Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ўқиб, йиғлаганларига ўзим гувоҳман, — деди Аҳсан Ботур. — Бундай гўзал асарлар яратишга қодир халқ — буюк халқдир. Шу халққа мансуб эканлигимдан фахрланаман. Бундай асарлар Сиз эришган мустақилликнинг маънавий замини бўлиб хизмат қилгани шубҳасиздир. Бу асарларни ўқиб, Туркиянинг ўз Абдулла Қодирийлари, Одил Ёқубовлари етишиб чиқажак.

«Кафансиз кўмилганлар» асари таржима этилгунга қадар турк ўқувчилари тоталитар тузум, сталинизм даҳшатлари ва қурбонлари ҳақида А. Солженицин каби рус ва чет эл ёзувчиларининг асарларидан ўқиб билганлар. Уларда, Яшарбейнинг айтишича, совет мустабид режимига қарши чиққанлар фақат русларнинг ўзлари деган ҳулоса пайдо бўлган эди.

Тоталитар тузум даҳшатлари, инсонлар бошига ёғдирган мислсиз кулфатлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Кафансиз кўмилганлар» асари турк ўқувчиларини ларзага келтирди. Бу воқеаларни кўрган-билган, ўз бошидан кечирган тирик гувоҳнинг хотиралари жуда муҳимдир.

Бу асар таржимаси туфайли турк китобхонлари ўз қавмининг энг яхши фарзандлари ҳам мустабид режим уқубатларини тортганидан, таъқибу тазйиқларга қарамай эрк, ҳуқуқ учун курашганликларидан хабардор бўлдилар.

Ўзбек насрининг бу тўртта асари туркиялик китобхон қалбидан жой олишида Аҳсан Ботурнинг хизмати катта. У бу асарларни Туркия туркчасида қойиллатиб сўзлатмаганида улар бунчалик эъзоз, ҳурмат қозонмаган бўлурди. Таржималар қусурсиз, камчиликлари йўқ, деган фикрдан йироқмиз албатта. Бироқ улар турк ўқувчисининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди, у замонавий ўзбек адабиётини таниди. Туркияда энг кўп нусҳада чиқадиган баобрў, эътиборли нашрлардан бўлган. «Таржимон» газетаси «Ўтган кунлар» ва «Кафансиз кўмилганлар»ни давомли равишда тўла чоп этгани бежиз эмас. Аҳсан Ботур ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини таржима этишдек хайрли ишни давом эттирмоқда. Яқин йилларда Ойбек, Пиримқул Қодиров, Мирмуҳсин ва бошқа қатор ёзувчиларимизнинг асарлари 25 жилд ҳолида турк тилида дунё юзини кўражак.

Турк дунёси ўзлигини теранроқ англашга қайтмоқда. У энди жаҳон сиёсатининг эътиборли нуқталаридан бирига айланди. Бугун бир интиқ уйғониш, олий ва муқаддас орзунинг рўёби—истиқлол шарофати билан қондошу жондошлар янгидан бир-бирларига қучоқ очмоқдалар, мамнуният билан ўзаро қовушмоқдалар. Бундай алоқаларнинг янада кучайиши ва мустаҳкамланишида Аҳсан Ботур каби дарёдил инсонлар туфайли дунё юзини кўраётган китоблар кўприк бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бобохон ШАРИФ

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Тўрақўрғон трактор таъмирлаш заводида нефть ва газ қувури лўкидони ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги маҳсулотга талаб катта. Корхона яратаётган ускуналарга Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатлари, ҳатто Хитой Халқ Республикасидан ҳам буюртма келаётир.

Таъмирчилар асосий юмуш — ҳайдов тракторига қопламалар тайёрлашни ҳам жадаллаштирмоқда.

СОБИТ ТЕРМИЗИИ — САҲНАДА

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё мусиқали драма театри Низомжон Пардаининг «Адиб Собит Термизий» асарини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди.

Сурхондарёда Термизий таҳаллуси билан ижод қилган ўнлаб қомусий олимлар, уламолар, шоирлар, давлат арбоблари яшаб ўтган. Аммо уларнинг ҳаёти, амалий фаолияти ҳақидаги ҳақиқат яшириб, ижоди халққа ёт деб талқин қилинди.

Собит Термизий тўғрисидаги асар миллий қадриятларимиз тикланаётганининг нишонасидир.

ОНАЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Наманганда янги туғруқхона фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг гўзал даҳасида қурилган 60 ўринли бу туғруқхона зарур бўлган тақдирда шаҳарнинг ҳамма туманларидан келган оналарни қабул қила олади. Шу билан бир вақтда шаҳар атрофидаги қишлоқлардан келадиган оналарга ҳам хизмат қилади.

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

«Қорақалпоғистон» нашриёти ёш журналистлар учун қорақалпоқ тилида «Мен таҳририятдан келдим» деб номланган ўқув қўлланмасини нашр этди.

Қўлланма муаллифи Бердах номидаги Қорақалпоғистон университетининг журналистика бўлимини битирган Давлетбой Бекбаулиевдир. Қўлланма содда, тушунарли қилиб ёзилган, муаллиф матбуотда ишлаган йилларида тўплаган материаллардан фойдаланган.

(ҚҚАА—ЎзА)

ЯНГИ КОРХОНА

Хатирчи туманида бир кеча кундузда 17 тонна сутни қайта ишлайдиган корхона ишга тушди. Жиҳозларни Навоий шаҳридаги «Юпроммонтаж» трести мутахассислари ўрнатди. Қурилиш учун сарфланган 58 миллион сўм маблағни тумандаги «Парвоз» уюшмаси тўлади.

ЯШИЛ ЧИРОҚ

(боши 1-бетда).

Бизда ҳаммаси осон кўчди десам, янглишган, тўғрироғи мақтанган бўламан. Бўлмади эмас, қийинчиликлар бўлди, лекин ҳаммасини тишимизни тишимизга қўйиб енгдик. Дастлабки қилган ишларимиздан бири 70 метрлик замонавий молхона қурдик. Уни барча машина-механизмлар билан жиҳозладик. Гўнг чиқариш, молларни суғориш каби юмушларни агрегатлар зиммасига юклатдик. Хўжалигимиз ҳудудидаги барча йўллар асфальтланди. Ферма атрофи ўралди. Озуқа сақланадиган хандақлар яхшилаб цементланди. Камида минг тонна ем сақланадиган емхона қурдик. Эски товуқхона биноси бузиб ташланиб, ишчиларимиз учун беш хонали барча шароитларга эга дам олиш хонаси қурдик.

Энг муҳими бажарилган ишларнинг ҳаммаси ҳашар йўли билан амалга оширилди. Бирор сўм ҳам маблағ сарф этилмади.

Муаммолар хусусида тўхталдингиз. Улар аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади. Лекин мен бир нарсани истардим. Фермер хўжаликлари учун алоҳида озуқа фондлари ташкил этилса. Ана шунда ёқилғи, ўғит ва кунжара олиш учун шўрлик фермернинг югур-югури бироз камайган бўлармиди.

Яна бир нарса: фермернинг ҳуқуқини кенгайтириш лозим. Ҳадеб юқоридан буйруқ бўлавергани билан иш ўз-ўзидан юришиб кетавермайди. Ишлаб чиқариш участкаси фермерга ишониб топширилдими, бас. Ундан ишни, ишлаб чиқариш топшириқларини фермер хўжалиги ҳақидаги дастурда кўрсатилганидек талаб этиш лозим.

— «Техника — деҳқоннинг қаноти» дейишади. Ана шу маънода сиз етакчилик қилаётган хўжаликда ишларнинг механизациялаштириш даражаси қандай?

— Асосий оғир ишларни машина-механизмлар зиммасига юклаганмиз. Юқорида айтганимдек, ҳаттоки молларнинг ахлатини чиқариб ташлаш ҳам механизмлар зиммасида. Шунингдек, озуқа тарқатиш ҳам. Булардан ташқари ўтган икки йил мобайнида иккита янги трактор сотиб олдик. Ўт ўрадиган учта техникамиз, ем чиқарадиган ва ўт майдалайдиган машиналаримиз, атала пиширувчи ва тарқатувчи агрегатимиз бор. Яқинда тўртта сеткали прицеп сотиб олдик.

Шу ўринда (буни ўрни келгани учун айтаяпман) бизда ишларни бошқариш бошқа фермер хўжаликларига қараганда бирмунча осонлигини айтмоқчиман. Чунки ҳамма иш участкалари радиоалоқа билан боғланган. Болгарияда ишлаб чиқарилган ЛЕН—Б алоқа воситаси бизнинг ишимизни, айтиш мумкинки, бир неча бараварга осонлаштирмоқда. Мен истаган вақтимда истаган иш участкамиз билан боғлана оламан. Худди шунингдек, трактор ҳайдовчимиз ер ағдараётган вақтида мен енгил машинамда кетаётган бўлсам ҳам тўғридан-тўғри худди ёнма-ён ўтиргандек сўзлаша олади. Мен керакли йўл-йўриқларни ўз вақтида бера оламан. Улар эса бажарилган иш ҳақида ўз вақтида ҳисоб беришади.

— Гапингизга қараганда хўжалигингиз анча бақувватлашган кўринади. Хайрия ишларига ҳам оз-моз маблағ ажратиб турасизларми?

— Тадбиркор, ишбилармон бўлиш учун фақат елибюгуриш, меҳнатнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун чуқур билим ҳам керак. Шунинг учун ҳам фермер хўжалигимиз аъзолари ҳудудимиздаги энг илғор, аълочи, жамоатчи, мактаб ўқувчиларига ҳар ойда ўн минг сўмдан пул маблағи ажратганмиз. Бу уставимизда ҳам кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, боқувчиси йўқ, ёлғиз қарияларга байрам ва тантана кунларида имконимиз қадар сут, қаймоқ, гўшт бераяпмиз. Нафақат уларга, балки бошқа дала меҳнаткашларига ҳам оз бўлсада ёрдамимиз тегаётир. Масалан, мустақиллик куни арафасида бозорда 1 килограмм гўштнинг нархи 2,5 минг сўмдан юқори бўлишига қарамай, биз 300 килограммдан ортиқроқ гўштни аҳолига минг сўмдан сотдик. Шунингдек, 1 сентябрь куни туғилган ўн нафардан ортиқ ёш болаларга коляска ва уларнинг оналарига эса Японияда ишлаб чиқарилган дуррачаларни совға қилдик.

Насиб этса, бундан кейин ҳам хайрия ишларида фаол қатнашаверамиз.

— Тасаввур қилинг, сиз қишлоқ хўжалик вазирисиз. Дастлаб ишни нимадан бошлаган бўлардингиз?

— Ростини айтсам, (у кулади. Ўзини вазир ўрнида тасаввур қилолмаётганини сезаяпти, чоғи.) республикамиздаги барча чорвачилик фермаларини ҳеч бир иккиланмай, имкони борича зудлик билан хусусийлаштирган бўлардим. Яна, моллар зотига қараб, гуруҳларга бўлиб парваришлашни ташкил эттирардим. Яна, бузоқчаларга фермаларда шу кунгача планлаштирилган 250 литр ўрнига 500 литр сут ажратишни тавсия этган бўлардим.

Ва яна энг муҳими, ҳар бир фермер ишини бир йўналишда ихтисослаштирган бўлардим. Масалан, бир фермер фақат сут етиштирсин. Иккинчиси гўшт, учинчи эса наслчилик ишларини олиб борсин. Қолаверса, фермерлар ўртасидаги рақобатни кучайтиришга алоҳида эътибор берган бўлардим. Рақобат қаерда кучли бўлса, ишлаб чиқариш ҳам ана шу ерда тараққий этган бўлади.

Яна; моллар наслини эътиборсизлик туфайли бузган кимсаларга катта миқдорда жарима солган ёки қонунда кўрсатилган тарзда жавобгарликка тортган бўлардим. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни лозим деб биламан. Яқинда мен Тошкент Давлат аграр университетида америкалик фермерлар томонидан ташкил этилган бир ойлик малака ошириш курсида ўқидим. Бу курсда деярли республикамизнинг барча бурчакларидан келган фермерлар бор. Америкалик ҳамкасбларимизнинг айтишича, олти минг бош қорамолни 14 киши парваришлар экан. Энг оғир ишлар техника зиммасига юклатилган. Ҳисоб-китоб ишлари эса компьютерларда олиб борилар экан. Уларнинг чорва хўжаликларида ҳар бир молдан 30 литрдан сут соғиб олинар экан. Суриштириб билсам, улардаги моллар зоти ҳам бизнинг хўжалигимиздаги каби қора-ола, Голштейн Фриз зотли сигирлар экан. Биз эса ана шу моллардан ўн-ўн беш литрдан ортиқ сут соғиб ололмаяпмиз.

Бунинг сабаби нимада? Ўйлаб-ўйлаб бир хулосага келдим. Ҳамма гап омухта емларнинг тақчиллигида. Яна бир нарса: биз молларни гуруҳларга бўлиб эмас, балки бус-бутунлигича озиқлантираверамиз. Бу деганимки, икки литр сут берадиган сигир ҳам, 15 литр сут берадиган сигир ҳам бир хил шароитда озиқлантирилади. Демак, ҳамкасблар тажрибасига таяниб, биз ҳам молларни маҳсулдорлигига қараб озиқлантиришимиз керак экан.

— Ҳамкасбларингизга қандай истакларингиз бор?

— Бир ишга қўл уришдими, охирига етказишсин. Бир-икки кунлик қийинчиликлардан чўчишмасин. Ҳақларини талаб қила билсинлар. Бизнинг ҳақларимиз эса ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонида аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган. Қолаверса, мабодо республика раҳбарларининг йўли Фарғона вилоятига тушиб қолса, албатта, мен бошчилик қилаётган фермер хўжалигига бир қадам ранжида қилишларини жуда-жуда истардим.

Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ суҳбатлашди.

Бухоро туманида айни кунда 92 фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга 895 гектар ер ажратиб берилган. Хўжаликларда жами 295 нафар киши меҳнат қилади.

Тумандаги фермерлардан бири Мустафо Файзуллаев хўжалигида 22 гектар ер, 203 бош қорамол, бир от ва туя бор, ўзларига қарашли техника мавжуд. Хўжаликда Мустафо Файзуллаевнинг турмуш ўртоғи уч ўғли ва икки келини меҳнат қилади.

СУРАТДА: фермер М. Файзуллаев (ўртада) хўжалик аъзолари даврасида.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) сурати.

Кўнгилдаги гаплар

Бектош РАҲИМОВ:

ЁШЛИК — БУЮК АФСУНГАР

ЕҲУД ЭЪТИҚОД, БУРЧ ВА МУҲАББАТ ҲАҚИДА СЎЗ

«ЎН БЕШ ФАРЗАНДНИНГ ТУРТТАСИ ОМОН ҚОЛГАН»

Қизиқ, жуда қизиқ... «Ёшлигингиз, болалигингиз ҳақида нима дейишингиз мумкин?» — деган савол мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Негаки, шу ёшга кириб биров менинг болалик чоғим билан қизиқмаган эди. Болалик. Ёшлик... Инсон ҳаётининг энг беғубор, ишонч ва орзу-умидга тўла, афсунгар фаслидир.

Мен онамдан ёш қолганман, уни «ударник» деб аташганини эс-эс биламан. Умрлари қисқа экан-да. Дадам эса ажойиб бир ҳунарманд бўлган. Хумдонда ғишт пиширган. У кишини ҳам ғира-шира эслайман. Абдураҳим Қаюмов дейишар эди, олтмиш беш ёшларида оламдан ўтган. Акамнинг қўлида ўсдим, исмлари Очил эди, Абдураҳимов. У бутун умри бўйи бригадир бўлди —деҳқончилик билан шуғулланди. Урушда қатнашди. Хуллас, катта қийинчиликлар билан бизни тарбиялади, ахир ўзининг ҳам ўн беш нафар фарзанди бор эди-да. Яна бир акам — Тўхташ урушга кетиб, қайтмаган. 1942 йили Львов шаҳрида ҳалок бўлган. Бу акам ҳалок бўлган жойдан тупроқ келтириб, киндик қони тўкилган жойга кўмдим. Очил акам урушдан қайтгунга қадар шунча фарзандидан атиги тўрттаси омон қолди, холос. Уруш ортида қолганларга ҳам осон бўлмаган.

Шундай қилиб десангиз, мен мактабга жуда ёш бордим. Билмадим, беш ёшми, олти ёшми, ишқилиб, партадан йиқилиб тушганимни яхши эслайман, аммо «аъло»га ўқиганим рост. Шунинг учун ҳам мени Самарқанддаги Оғалиқ деган масканга юборишган — дам олишга. Бешинчи синфдан бошлаб, Мирбозордаги (Ипак йўли ўтган жой) интернатда, акам билан бирга ўқидик. Мактабни 1941 йили битирдим, албатта, ўқиш осон бўлмаган. У пайтлар егани нон топилмасди. Уруш, очарчилик. Шунинг оқибатида худонинг берган куни кимдир очликдан шишиб ўларди. Урушдан, очарчиликдан худо асрасин.

Бешинчи синфда ўқиб юрган кезларим пионер вожатийси эдим, у пайтлар ҳаммаям жамоат ишида фаол қатнашарди. Тинниб-тинчимасдик. Бадиий ҳаваскорлик тўгараги ҳам бўларди. Унда режиссёрлик қилганман, най чалганмиз. Хулласки, фаол бўлганмиз. Мавжуд юз йигирма колхознинг ҳар бирига бориб, биз—бадиий ҳаваскорлар концерт берганмиз, деворий газеталар чиқаришда кўмаклашганмиз. Бунинг барчаси ажиб бир ёниқлик бахш этган бизга.

Инсон ёниб яшаши керак. Умр бир марта берилади, киши ўзидан хайрли бир из қолдириши лозим-ку, ахир!

ЎҚИТУВЧИ БЎЛИШ ОСОНМИ?

Биласизми, бола тарбиясида унга таълим берган ўқитувчининг ҳам таъсири катта бўлади. Ҳарбий таълимдан Мужиков деган, тил ва адабиётдан Шукрулло Шарипов деган ўқитувчиларимиз бўлар эди. (Шукрулло ака урушга кетиб, қайтмадилар). Биласизми, уларга ҳурматимиз шунчалик эдики, вокзалгача — беш километр йўлни йиғи-сиғи қилиб босиб ўтганмиз ва уларни кузатиб қолганмиз. Ўзлариям жуда ажойиб инсон эдилар-да. Кетиш олдидан барчани катта залга йиғиб, Ватан ҳақида шеър ўқиб беришган. «Бизнинг йўқлигимизни билдирманглар», деб ният қилишган. Яна бир муаллимимиз — Бердимурод Тоғаев деган киши эди, ҳамон ёдимда, дарсни жуда қизиқарли ўтарди. Биз ҳатто уларни кийинишларигача эътибор қилардик. Ўзим кичкина боламан-у, лекин аскарликка чақирилганларга рус тилидан дарс ҳам берганман.

Шу уруш давом этаётган 1941—42 йиллар 10-синфда ўқирдим. У пайтларда чинакамига шароит оғир: бир синфда турли ёшдаги болалар таълим олади. Биров вояга етган, биров ҳали бола. Йил давомида синфимиздаги йигирма беш боланинг ўн тўрттаси фронтга кетган. Ўн биттамиз мактабни битирдик ва туман маориф бўлимига бордик. Ўйлаганмизки, бизларни энди Самарқандга — университетга юборадилар, деб. Лекин у ердагилар қўлимиздан аттестатларни олиб, темир сандиққа солишди ва ўзимизни ўқитувчиликка юборишди. Чунки ўқитувчи етишмасди. Борлари ҳам урушга кетган эди. Менга 4-синфни беришган, йигирма беш километр овлоқдаги қишлоқ мактаби. Ухлайдиган жойимиз ҳам шу — мактаб, яшайдиган уйимиз ҳам шу— мактаб, иш жойимиз ҳам... Биринчи синфга Носир ака Ғуломов деган ўқитувчи дарс берар эди. Биз ёшмиз, кўнгилдагидай дарс ўтишни яхши билмаймиз, сабоқни бошлаб қўямиз-да, секингина Носир ака дарс ўтаётган синфга бориб, деразасидан мўралаймиз, қани, қандай қилиб дарс ўтаётган экан, деб. Хуллас, шунақа воқеалар кўп бўлган. Бола эмасмизми, танаффус бўлса, ҳовлига чиқиб, ўзимизнинг ўқувчиларга қўшилиб копток тепамиз.

Акам армияда, унинг тўрт боласини ҳам боқиш керак. Бериладиган нонни олти кун емай йиғаман-да, еттинчи кунни келинойимга олиб бораман. Ўзим жийда еб, маккадан қилинган бодроқ билан кун кўраман. Бир фаррош аёл бўларди — Ойди хола, унинг Тоҳир ва Зуҳра деган эгизаги бор эди, хола ҳафтада бир марта ош дамлаб бизни сийларди. Ош жўхоридан тайёрланарди, гўшт ўрнига жийда қўйиларди...

КИШИЛАРГА НАФИМ ТЕГСИН ДЕЙМАН...

Қорли-қировли кунларнинг бирида — 1942 йил урушга кетган акам дардга чалиниб қайтди. Мен қишлоқ шўроси раисига учрашиб, фронтга жўнашга ижозат сўрадим. Ёшимни, табиийки, катта қилиб кўрсатдим. Ўшанда фақат мен эмас, вояга етмаган жуда кўп ўсмирлар кўнгилли бўлиб жангга кетишган. Мақсад нима эди?! Тезроқ ёвни енгиш, албатта. Хуллас, уруш тугагач, 1945 йилда Москвада ҳарбий-сиёсий ўқишда бўлдик. Ғалаба парадини ўтказиб, уйга қайтдик.

Шундай қилиб, менинг фаолиятим ўқитувчиликдан бошланган, урушдан қайтгач, шу ишни давом эттирдим. Бошланғич синфларда ишладим. 1946 йилдан бошлаб, мени бошланғич мактабга мудир этиб тайинлашди. Бир йил ишлаганимдан кейин туман ташкилотига ишга таклиф этишди. Ижроқўмнинг раиси Ҳикмат Раҳматов «Москвич»да туман марказига олиб кетдилар, аввал маориф бўлимида инспектор бўлиб ишладим. 1947 йили ижроқўм раисига муовин этиб сайлашди. Йигирма ёшимда ижроқўмга раис, кейин партия мактабида ўқиш... Орзуим — илм олиш эди. Шу боис Самарқанд Давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида сиртдан таҳсил олдим. Умр оқар сув эканда. Унинг ҳар бир лаҳзасидан киши ўз улушини олиб қолиши, кейин ўтган дамлари ҳаққи афсусланмаслиги керак.

Олтмишинчи йили Шароф Рашидов Марказий Қўмитага, ташкилий бўлимга ишга таклиф этди. Кейин Хоразм, Андижон, Самарқанд вилоятларида ишладим, Министрлар Советининг раисига муовинлик қилдим. 1993 йилдан Фахрийлар ташкилоти раиси. Бу, албатта, ўзига хос иш. Ниятим — кишиларга нафим тегса, дейман.

БОЛА БОШИДАН ДЕГАН ГАП ТЎҒРИ...

Инсон ҳар қадамида қийинчиликларга дуч келади. Ҳаёт — курашдан иборат, деган гапнинг маъноси шу бўлса керак. Ахир, ўша Гдлян, Иванов деганларнинг даври келганида азобу қийинчиликларни ҳар биримиз бошимиздан кечирдик-ку. Аммо қилинган меҳнат ҳалол бўлса, ғанимнинг қўлидан иғводан бўлак нарса келмас экан. Айтадилар-ку, ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич, деб.

Бола бошидан деган гап тўғри, ҳаммаси мана шу фаслдан, ёшликдан бошланади. Таъмал тоши — таълим ва тарбияга боғлиқ.

Мана, ҳозир биз бозор иқтисодига ўтаётирмиз. Олдинда қилинадиган ишлар кўп. Фермерларни ўқитишмоқда, бизнесменлар тайёрлашмоқда. Лекин энг муҳими—ҳаёт мактабидир. Кимки болаликдан ўқиса, дўстликни, вақтни қадрласа, Ватанга эътиқоди зўр бўлса, ҳеч қачон кам бўлмайди. Мен аминман шунга.

Ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Ахир Баҳоуддин Нақшбанд айтган-ку, дил Аллоҳда, қўл ишда бўлсин, деб. Гап шу ақидага амал қилишда. Биласиз, Паҳлавон Маҳмуд шоир бўлган, кураш тушган, ҳам пўстиндўзлик қилган. Ҳар қанча қийинчилик бўлса ўз меҳнати билан енгиб ўтган.

Инсон болаликдан шаклланади. Болаларнинг биринчи даражали иши — виждонан ўқишдир. Аъло ўқиш! Бунинг учун эса заҳмат чекиш керак. Меҳнатсиз ҳеч нимага эришиб бўлмайди! Шуни билингки, ҳеч қачон, ҳеч кимга осон бўлмаган. Партия мактабида ўқиган кезларим ёдимда, ҳар тонг соат бешда турар эдик. Чунки илмга чанқоқ бўлганмиз. Истак зўр эди. Вақт етмас эди барчасига — уруш даври эмасми, радио йўқ, телевизор йўқ. Чироқ йўқ. Бироқ достонхонликлар тўхтаб қолган эмас. Бизнинг халқимиз азалдан маърифатли, шеърхон халқ. Бахшиларимиз эл орасида юриб, достонлар айтишарди. Рустамхон, Авазхон, Орзигул қиссалари. Биз мана шу қаҳрамонлик, ишқ-вафо улуғланган асарлар руҳида тарбияланганмиз. Неча-неча йиғинда лампа ёруғида мен ўзим «Алпомиш» достонини, ҳа-ҳа, 600 бетлик китобни—юз мартадан ортиқ — ўқиб берганман. Ёд ўқиб берганман. Демак, ёшлар тинибтинчимаслиги керак. Мутолаа қилинадиган китоблар кўп.

Албатта, ўқиганларни ҳаётга тадбиқ эта билиш ҳам керак. Кимки ҳалол, виждонан, берилиб халқимиз учун, Ватанимиз учун меҳнат қилса, шубҳасиз, мақсадига эришади. Биринчи навбатда киши ўзига ҳақиқат, адолат нуқтаи назаридан қарай билиши керак, кейин қолганларга. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил. Бир иш бошладингми, охирига етказ! Бир кишининг дардини эшитдингми, қўлингдан келса ёрдам қил.

Биз фахрийлар билан ҳозир бу борада жуда кўп ишлар қиляпмиз. Шундай одамлар ҳузурингга келади. Лекин эшитиш, ҳар бир кишини тинглай билиш керак! Биз бир-биримизни тушунмаган ҳолдагина ишларни чигаллаштирамиз, инсонни тушуниш, мушкулликни биргаликда енгиш, енгиллаштириш демакдир. Оддий аскар ҳам генерал бўлишни хоҳлайди. Бу — яхши. Хайрли истакнинг ўзи — ярим давлат. Мана шундай юрагида ёли борларга менинг маслаҳатим — фақат ғайрат қилинг! Шу умид, шу тилак йўлида ёниб яшанг, мақсад учун курашинг!

ИДРОК КЎЗИ

Шуни унутмангки, каттани ҳам, кичикни ҳам иззат қилсангиз, иззат топасиз. Мен шу вақтгача ёш болаларнинг «сен» деб айтолмайман. Эсимда бор, ўша — ўқитувчилик маҳалим биринчи синф ўқувчиси билан нима ҳақдадир гаплашдим. Ўша пайтда Маҳкамов деган парткомнинг котиби бўлиб, шундоқ ёнимда турибди, суҳбатимизни тинглаётган эди. Бир маҳал мени ўз хонасига чақиртирди. Жуда салмоқлаб, менга узоқ танбеҳ берди. Нима эмиш, муштдай бола билан «сиз»-сираб гаплашиш мумкин эмас эмиш. Биз шу тарика боладаги катталарга ҳурматни йўқотар эмишмиз ва ҳоказо.

Мен эътироз билдирдим. Аксинча, биз болаларни ўзини ҳурмат қилишга ўргатишимиз керак, дедим. Бироқ фикримиз бир жойдан чиқмади. Ҳаётда шундай кишилар мавжуд. Аммо муҳими бу эмас. Аллоҳга шукрки, халқимизнинг азалий одатлари яшаб келаётир, буни оддий бир ибора билан англатиш мумкин: каттага ҳурмат, кичикка иззат.

Инсон аввало ўзини ҳурмат қилиши керак. Муомала ҳам, таълим ва тарбия, адабиёт ҳам ундаги қадр-қиймат туйғусини уйғотишга хизмат қилсин. Биз ёшларнинг табиатидаги иллатларни бартараф этишгина қолмай, ўзимизда мавжуд фазилатларни намоён этишимиз, уларнинг маънавиятига таъсир кўрсатишимиз лозим. Теварак-атрофда содир бўлаётган ўзгаришларга идрок кўзи билан бир назар ташланг-а!

Кейинги йилларда маънавий ҳаётимизда содир бўлган яшариш озмунчами? Биз яқин-яқинда Бобурни улуғлашга, Амир Темурнинг номини тилга олишга, Туркистон дейишга журъат сезмас эдик-ку! Бундан беш йил , муқаддам Қуръону Каримни ўз она тилимда ўқийман деб ким хаёл қилган? Ким шундай кунлар келишига ишонган?

Шу маънода Ислом Каримов барчамиз учун бирдек намуна. Қаранг, шундай катта бир мамлакат, халқ ташвишидан вақт ортириб, бутун вужудини, борлиғини миллатнинг ўтмишини тиклашга сарф қиляпти. Нақшбандий таваллуди жаҳон миқёсида нишонланди ва у зиёратгоҳда бутун бошли ансамбль қарор топди. Амир Темур хиёбони — ҳайкалнинг очилиши... Мирзо Улуғбек ҳайкали. Исмоил Бухорий, Андижоннинг Боғишамолида . Бобур ансамбли... булар барчаси бизни келажак сари илҳомлантирувчи хайрли ҳодисалар эмасми, ахир! Агар ҳар биримиз шундай савоб ишларга ўзликни сафарбар этсак, жилла қурса, биттадан ниҳол эксак, бу Ватан жаннатмакон бўлади. Ватан олдида барчамиз бирдек жавобгармиз. Донолардан бирининг: — **Шоир бўлмасанг ҳам гражданин бўл!** — деган даъвати бор. Бу ҳикмат бежизга айтилмаган. Гражданин бўлишимиз, ўзлигимизни англашимиз жудажуда муҳим.

ҚЎЧАНИНГ ОДАМИ ЭМАСМИЗ!

Аждодлардан мерос миллий урф-одатларимиз шунчалар ранг-баранг, миллий либосларимиз шунчалик чиройлики, буни таърифлашга тил ожиз. Чунки биз кўчанинг одами эмасмиз, неча минг йиллик тарихга, маданиятга, қадриятларга эга бўлган улуғ халқ фарзандларимиз.

Мен жуда кўп хорижий мамлакатларда бўлганман. Кашмирда Бобур қуриб қолдирган боғни кўрдим. Ўша ерда бир маҳаллар Ҳиндистонга бориб қолишган ҳаммиллатлар наслига рўбарў келдим. Йигитларнинг исмлари Ғулом, Носир экан, қизлар — Гулжаҳон, Нуржаҳон, рости, юрагим ғурурга тўлди. Бобур авлодлари эканликлари билан уларнинг ўзлари ҳам ифтихор қилишади. Ватанимизни **оталар юрти** ҳисоблашади. Бежиз эмас бу, қадим бу Ватан жаҳонга ўзининг кўрку чиройини намоён этган. Шу нуқтаи назардан қарасангиз, феълимиздаги маълум камчиликлар яққол кўзга ташланади. Мен буни такрор айтишдан чарчамайман. Миллий урф-одатларимизни кўпчилик қадрламайди. Ҳалигача «папа, папочка» деб юрган «маданиятли»лар оз эмас. Гоҳо кўчада бўй етган қизларни кўраман — шортик кийиб олган. Кўчада шундай юришади, демак, уйда, ота-онасининг олдида ҳам. Уят! Жудаям уят-ку бу, а? Қани, айтинг, қайси момомиз шортик кийган? Бизда ажойиб пайжама деганлари бўларди, шуларниям кийиш керак! Миллий либосларимизга, ахир, бутун жаҳон ҳавас кўзи билан қарамоқда-ку.

Яна бир масала — тўй бор, томоша бор. Аза бор. Ёшларимиз унинг тартиб-қоидасини деярлик билишмайди. Бу — яхши эмас.

Биз оврополиклардан андоза олишимиз шарт эмас, улуғ рус шоири Евгений Евтушенко ҳаммиллатларининг маънавиятидаги жароҳатлар ҳақида ёзиб, улар кўрган тарбияни **«Тарбиясиз тарбия»** деб атаган эди. Дўппини бошдан олиб қўйиб, бу ибора не маъно англатишини жиддий ўйлаб кўрса, арзийди.

Мана шунақа ёзилмаган қонун-қоидалар бор. Халқимизнинг урф-одати, шеваси... Масалан, Тошкентда бир хил, Фарғонада бошқача, Зарафшон водийсида тағин бўлакча. Миллатимизнинг умумий тамойилларини ҳам, киндик қони томган жой урфларини ҳам чуқур билмаслиқ айбдир. Ажойиб, меҳнатсевар элимиз, юртимиз бор. Ундан ўрганайлик.

Эл устозим,
Мен эса толиб.
Сўз дурларин термоқдир ишим.
Одамларнинг ўзидан олиб
Одамларга бермоқдир ишим,

— деган экан шоир.

Ёҳуд улуғ бобомиз Мир Алишер Навоий шу мазмунда бир гап айтганки, бу барчамиз учун азиз ўгит:

— Ҳавода қуруқ гап бўлгандан кўра битта қуруқ чўп бўл, бир кишининг чойдишини қайнатгил...

КИНДИК ҚОНИ ТОМГАН ЕР

Келажак авлод ҳозирги ёшларнинг изидан бориши табиий. Модомики, шундай экан, ёшларнинг зиммасига залворли масъулият тушади — улар ҳар жиҳатдан ибрат бўлмоқликлари керак.

Ватан уруши ҳақида гап кетса, айрим ёшлар: «Бу урушнинг бизга нима даҳли бор эди», — дейди. Албатта, масалага тарихий шароит нуқтаи назаридан қараш керак. Бизнинг не-не акаларимиз, миллатнинг гули бўлган йигитлар қисмати бевосита шу ҳодиса билан боғлиқ.

Уруш жуда оғир жудоликлар келтирди. Бундай қирғин бошқа такрорланмасин десак, унинг жароҳатларини унутмаслигимиз керак бўлади. Ўзбекистоннинг 353 ярим минг фарзанди урушдан қайтмади. Шунинг 52 минги Тошкент шаҳридан эди. Ҳалок бўлганларнинг аксарияти ўсмирлар, ҳа, ҳа, ўн беш, ўн олти, ёҳуд ўн тўққиз ёшгача бўлган йигитлардир. Уларнинг тўқсон фоизи оила нима билмай дунёдан ўтишди. Чироғини ёқиб ўтирадиган бир фарзанд қолмади улардан. Ахир мумкинми шундай инсонларни унутиш? Шунинг учун Фахрийлар ташкилоти ҳозир бевосита Президент ташаббуси билан ҳокимиятлар ёрдамида Хотира китоби тайёрлаётир. Бу китоб, худо хоҳласа, 1995 йилнинг 9 майигача 22 жилд ҳолида ёруғлик юзини кўради. Ҳар бири минг бет ҳажмида. Урушдан бедарак кетганлар оз эмас, ҳамон уларни ахтараётган қавм-қариндоши йўқ эмас, уларга нимадир деб айтилиши керакми? Китобда жамланадиган ҳужжатлар тарихий аҳамиятга эга ва ҳар бир юртдошимиз унда номма-ном саналади. Ҳа, ўтганлар ёди олдида қарздормиз, ҳали жуда катта ишлар қилишимиз керак.

Фақат ҳозирги кунни билсагу, кечаги кунни эсдан чиқарсак, буям унча тўғри бўлмайди. Туғилган жой, киндик қони томган ер — Ватан. Ўша инсонлар Ватанининг зарралари эди. Буни унутмаслик керак.

Энди икки оғиз — эртанги кун ҳақида: Президентимизнинг ташаббуси билан жаҳонда биринчи маротаба «Соғлом авлод учун» деган орден таъсис этилди. Бу саъй-ҳаракат замирида буюк орзулар яширин. Болаларимиз маънавий жиҳатдан ҳам соғлом бўлиши керак. Ватанимиз шарафини эртага мана шу авлод ҳимоя қилади. Бизнинг ҳам космонавтларимиз, донғи оламга кетган чемпионларимиз бўлажак ҳали. Аммо шуни унутмаслик керакки, барчаси Ватанга муҳаббатдан бошланади.

Оққа кўчирувчи:
Ҳ. ҲАЙИТМЕТОВА.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

КИЧКИНАНИНГ КИЧКИНАСИ

● ТАРИХ зарварақларига номи тиркалган лилипутлар орасида энг машҳури 1828 йилда АҚШнинг Коннектикут штатида туғилган Чарлз Шервуд Стрэттондир. У америколик ишбилармон Финеаса Барнэмнинг хусусий циркида ишлаган ва донг таратган. 12 ёшида бўйи 77 сантиметрни, 45 ёшида яъни, умрининг охирида эса 102 сантиметрни ташкил этган, оғирлиги ўшанда 31,7 кило эди. Чарлз 25 ёшида уйланган ҳам. Тенг-тенги билан деганларидек, Чарлз ўз тенгини топган, унинг тенги Лавинии Уоррен бўлиб, шу циркда ишловчи 81,3 сантиметрли қиз эди.

Португалиялик кичкина — Антонио Феррейронинг номи ҳам анча машҳур. У 75 сантиметр бўлиб, 1989 йил Лиссабонда, 44 ёшида қазо қилган. Антонио рок-ғуруҳда барабанчи эди.

Буюк Британиянинг Ллантрисанта деган жойида туғилган (1737—1754 й.) Хопкинс Хопкинс ҳам кичкиналардан — бўйи 79 сантиметр. Унинг оғирлиги 7 ёшида 8,62 килони ташкил этган бўлса, ҳаётининг сўнгги пайтларида 6 кило ли тош босган, холос.

Юқорида санаб ўтилганларнинг ҳаммаси марҳумлар. Бироқ, кичкиналарнинг ҳозирги кунда ҳаёт бўлганлари ҳам бор. Масалан, Доминикан Республикасининг Санто-Доминго шаҳрида яшовчи Нельсон де ла Роса Акино. У 1968 йилда туғилган, бўйи 72 сантиметр, оғирлиги эса 6,81 кг. Мэж Бестер — Жанубий Африканинг Йоханнесбург шаҳрилик. 1963 йилда туғилган. Бўйи 65 сантиметр, унинг онаси ҳам паканалардан — 70 сантиметрли бўйи бор.

Тасдиқланмаган хабарларга қараганда, дунё бўйича энг кичкина одам жазоирлик Солиҳ Жайела ҳисобланади. У 54,6 сантиметр катталикда бўлиб, оғирлиги атиги 4,9 кило. Солиҳ 8 ойлигида ўсишдан умуман тўхтаган. Аммо бу хабар тиббий мутахассислар томонидан тасдиқланмаган ҳали.

Энди митти эгизаклар ҳақида тўхталсак. 1903 йили Венгриянинг Будапешт шаҳрида туғилган, кейинчалик Америка фуқароси бўлган эгизаклар Матиус ва Бела Матиналар 1935 йили тиббий текширувдан ўтказилганда, бўйлари 76 сантиметрни ташкил этган.

Жон ва Грег Рейс, 1951 йил декабрида туғилишган. АҚШнинг Флорида штатида яшашади. Ҳар бирининг бўйи 86,3 сантиметр.

Номи «Рекордлар китоби»га киритилган митти аёл эгизаклар ҳам бор экан. Улар Дорин Уильямс ва Дарлин Макгрегор бўлиб, (1949 йили туғилишган) уларнинг бири Калифорния штатининг Оукдейла, иккинчиси эса Альмеда деган жойида яшашади. Ҳар бирининг бўйи 124,4 сантиметр.

ЎЗБЕК–ТУРК ТИЛ ВА КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан Туркия "Silm A.S" ўртасидаги шартномага кўра ўзбек-турк тил ва компьютер маркази 30.01.94й. вақтдан компьютер, инглиз тили ва турк тили курсларини бошламоқчи.

Ғоямиз: Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилдан бошлаб лотин алифбосига ўтишида систем, метод, техник соҳаларида ёрдамлашиш ва Ўзбек–Турк халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлаш.

ЎҚИШ ҚОИДАЛАРИ:

- Ҳар гуруҳнинг ўқиши ҳафтада икки кун. Бир кунда тўрт соат дарс бўлади (дарсларидан ташқари вақтларда). Ўқиш муддати беш ой.
- 8- ва 11-синф ўқувчилари қабул қилинади.
- Дарсларни туркиялик ўқитувчилар олиб боришади. Шунингдек, дарсликлар ва ҳар хил ўқув қуроллари Туркиядан келтирилади.
- Курсларни тамомлаган талабаларга Ўзбекистон Халқ таълим вазирлиги тасдиқлаган диплом берилади.
- Курсни намунали ўзлаштирган талабалар мукофотланадилар ва Туркия саёҳатига юборилади.
- 8-синф талабалари турк лицейларига ва коллежларига, 11-синф талабалари эса олий ўқув юртларига киришларидаги тест техникаси ўргатилади.

Ўқувчилар қабул қилиш бошланди.
Шошилинг, бизнинг марказда жой саноқлидир.
МАНЗИЛИМИЗ: *700000, Тошкент, Пушкин кўчаси, 69-уй. (Ҳамид Олимжон метро бекатига яқин, "Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази"нинг биринчи қаватида.)*
Мулоқот учун тел. 33-34-22 Факс: 333-403

Ўзбек–Турк
Тил ва Комп.Марк. Директори
Жамол ҲАМАРАТТУРК

ЯШАСИН ЎЗБЕК-ТУРК ДЎСТЛИГИ!

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

КЕЧА — ЭРТАГА

● АМЕРИКА ҳукумати Хитой, Шимолий Корея, Вьетнам ва бу ҳудуддаги бошқа мамлакатларга ўз эшиттиришларини узатувчи «Озод Осиё» радиостанциясини ташкил этиши ва уни молиявий таъминлашни зиммасига олиши керак. Америка Қўшма Штатлари Конгресси сенаторлари шундай фикр билдирдилар.

● БУЮК БРИТАНИЯ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳарбий кучлари сафидаги ўзининг чекланган қўшинини Босния ва Герцеговина ҳудудидан чиқариб кетиш масаласида шошқалоқлик қилмоқчи эмас. Яқинда собиқ Югославия Республикасида бўлиб қайтган мамлакат ташқи ишлар вазири Дуглас Хэрд шундай деди.

Вазирнинг таъкидлашича, узоққа чўзилган бу можаро учун серблар асосий жавобгардир. Шундай экан, уларга нисбатан халқаро иқтисодий жазо чоралари ҳозирча қўлланаверилиши керак.

ҲАЙВОНЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

ПЕКИН. Ухань шаҳри теварагида (Хубэй вилояти) ноёб қушлар учун катта қўриқхона ташкил этиляпти. Шу мақсадда турли-туман гиёҳларга бой ботқоқлик жойдан 3,4 гектар атрофида ер ажратилди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, ҳозирнинг ўзида бу ерда 51 хил ноёб қуш қишлаб қолмоқда.

«ҲАЙВОНЛАР ШОҲИ» ШОҲОНА ЯШАМОҚДА

ДЕҲЛИ. Ҳинд ҳукумати мамлакатда расмий меҳмон бўлиб турган Сингапур Бош вазири Го Чок Тонгга иккита шерванча инъом этишга қарор қилди. Энди улар Сингапур ҳайвонот боғида мазза қилиб яйрайдилар ва «ҳайвонлар шоҳи»ни кўпайтириш дастури билан шуғулланаётган мутахассисларнинг доимий қарамоғида бўладилар.

ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ЖАКАРТА. Индонезия атом электр станцияларидан фойдаланишни мўлжалламоқда, деди Президент Сухарто мамлакат пойтахтида бўлиб ўтган энергетика кўргазмасида. Индонезияда янги асрнинг бошида дастлабки АЭСни қуриб, ишга туширишни тўғрисида қарор қабул қилинди. АЭС лойиҳаси бўйича 1995 йилда танлов ўтказилиши ва унда хорижий фирмалар иштирок этиши кутилмоқда.

ГААГА. Нидерландияга ташриф буюрган Руминия миллий мудофаа вазири Константин Никулае Спирою Америка Қўшма Штатлари таклиф қилган «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурини қўллаб-қувватлади. Руминия мазкур ҳужжатни имзолаган Шарқий Европадаги дастлабки давлат бўлади. деб таъкидлади у Нидерландлар Қироллиги ташқи ишлар вазири билан учрашув чоғида.

Ҳақиқат баҳсларда туғилади дейишади. Бу бор, инкор қилиб бўлмас гаплиги кўпчиликка аён. Журналистлар ҳам баҳс, мунозарага чанқоқ халқ. Суратдаги хорижлик ҳамкасбларимиз — журналистлар ҳам чойхўрлик баҳона айрим нарсаларни ойдинлаштириб олишмоқчи.

Р. ЖАББОРОВ олган сурат.

Ит йили сизга омад келтирсин!

БУ ЙИЛ КИМ УЧУН ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

ШАРҚИЙ ва Марказий Осиёдаги аксарият халқлар қадим замонлардан бери Янги йилни биринчи қамарий ойнинг (қамарий ёки қамарий-шамсий тақвимга кўра) 1-чи кунида қарши олишади.

Тараққиёт атак-чечак қила бошлаган илк даврлардаёқ Миррих Қуёш атрофини тахминан 12 йилда айланиб ўтиши маълум бўлган. Бу йўлни тахминан 12 тенг бўлакка бўлиб, уларнинг ҳар бирига маълум ҳайвонот дунёси вакилининг номини берганлар: Каламуш (сичқон), Буқа (Қўтос, Сигир), Йўлбарс, Қуён, Аждар (Тимсоҳ), Илон, От, Қўй, Маймун, Товуқ, Ит, Чўчқа (Тўнғиз). Хитой, Япония, Мўғулистон ва Кореяда қабул қилинган даврий жадвалга кўра, 1994 йил Ит йилидир.

Ит йилида шошқалоқлик ярамайди. Бир ишга қўл уришдан аввал дўппини қўлга олиб ўйлаб кўриш керак, шунда албатта омад кулиб боқади, деб маслаҳат берадилар япон астрологлари. Бу йил кутилмаган воқеа-ҳодисаларга бой бўлади, айниқса, унинг иккинчи ярми. Албатта, бу йил ИТ мучалли кишиларнинг йили бўлади. Мазкур мучалли кишилар йилни фаол ўтказадилар, ижобий ҳиссиётлар, туйғулар сизни деярли тарк этмайди. Бу мучал асосан эркакларга хос, шу боис кўпроқ уларга омад кулиб боқади. Лекин шундай бўлар экан деб ҳаддан ошиш, қуюшқондан чиқиш ярамайди. Йил аёлларга ҳам кўп яхши онлар ваъда қилади. Муҳими — соғлигингиз жойида бўлади, тобингиз қочган тақдирда ҳам жуда тез тузалиб кетасиз.

СИЧҚОН муччали кишилар учун ҳам йил жуда омадли бўлади, лекин асло бировнинг йўриғига юра кўрманг.

СИГИРлардан эса, аксинча, бу йил омад кетади, шу боис мазкур мучалли кишиларга узоқни кўзловчи режалардан воз кечиб, куч тўплаб туришни маслаҳат берамиз. ЙЎЛБАРСлар олға томон шиддат-ла сакрайдилар. Ушбу йилда уларга севги, муҳаббат йўлдош бўлади, имкониятни қўлдан бой берманг! ҚУЁН ит билан дўст бўлмасада, лекин бу йил унинг қаршисида ҳам кенг имкониятлар очилади. АЖДАР ит билан доимо тил топишиб келган, аммо шунга қарамай, бу йил унинг боши ташвишдан чиқмайди. ИЛОН мучалли кишилар кўп ғайрат кўрсатишларига тўғри келади. Ўйлаб қадам босинг! Ҳадеб ракиб чопмаса, майда қадам ташлаб ҳаракат қилса, ОТга ҳам омад кулиб боқиши мумкин. Ит йили одатда ҚУЙнинг омади чопмайди, шу боис бошдан фақат ўз кучига ишониб ҳаракат қилиш тавсия этилади. МАЙМУН мучалли кишиларга кўп ҳовлиқмасликни маслаҳат берамиз. Шошмасдан, ўйлаб ҳаракат қилган маъқул. ТОВУҚ эса тез-тез кўпчиликнинг диққат марказида бўлиб туради. Ўз манфаатингиз, кўпчиликнинг манфаати йўлида бундан унумли фойдаланинг!

«А» дан «Я»гача



КУЛГАНДА КЎНГИЛ ЯЙРАЙДИ...

АСРНИ ҚАРИТГАН ҚАРИЯ

Колумбиялик ҳинду Хавер Перейра 1956 йилда Нью-Йоркдаги Корнил марказига келтирилди. Мақсад — унинг ёшини аниқлаш эди. Гап шундаки, Перейра ҳадеб ўзининг 1789 йилда (!) туғилганига ишонтиришга уринарди. Олимлар қариянинг аниқ ёшини белгилай олмадилар, бироқ 160 ёшдан кам эмаслигини тасдиқладилар. Перейра 1958 йил апрель ойида қазо қилди. Орадан кўп ўтмай Калумбия почтаси унинг шарафига марка чиқарди.

АНТИҚА ПОЙГА

Инсоният тарихидаги энг ажабтовур пойгалардан бири 1882 йилнинг 21 февраль куни, Нью-Йорк шаҳридаги стадионда бўлиб ўтди. Қоидага биноан пойга 24 соат давом этиши ва ушбу вақт давомида энг кўп йўлни чопиб босиб ўтган спортчи ғолиб деб ҳисобланиши лозим эди. Пойгани 14 нафар спортчи бошлади. 23 соатдан сўнг эса югуриш йўлкаларида фақат 7 спортчи қолди. Жеймс Сондора исмли спортчи қолганлардан бир неча даврага ўзиб кетгани боис, пойга тўхтатилди. Бу вақтга келиб Сондора 19 километрга югуриб қўйган эди.

БУ СУРАТНИ КЎРГАНЛАР БОРМИ!

Жон Бенвард исмли 25 яшар Нью-Йорк фуқароси 1840 йилда Миссисипи дарёси бўйлаб қайиқда сафарга отланди. 400 кун давомида у тинимсиз эшкак эшди, дам олиш учун тўхтаган қисқа дамларда эса мўйқаламда табиат манзараларини чизди. Кейинги беш йил давомида Бенвард мазкур чизмалар ёрдамида «Миссисипи манзараси» номли асар устида ишлади. Тахминан 1800 километрга чўзилувчи дарё оқими узунлиги 4800 ва эни 4 метрга тенг матога жо бўлди. Бу улкан сурат билан муфассал танишиш салкам икки соат вақтни олишига қарамай, минглаб томошабинлар уни кўриш учун очиқ ҳаводаги антиқа кўргазмага ташриф буюрдилар. АҚШ ва Оврупо шаҳарлари бўйлаб улкан асари билан қилган сафари аснosида рассом 200 минг доллар ишлади. Бу ўша давр учун ақл бовар қилмас даражада катта пул эди. Шундан сўнг суратни ундан англиялик бир миллионер сотиб олди. Асарнинг кейинги тақдири эса номаълум.

ЧИҚМАГАН ЖОНДАН УМИД

1918 йил 22 март куни австралиялик Алекс Уакем Яра дарёсига 74 метрли қоядан туриб сакради. Ҳавода у туйқус ҳушини йўқотди, сув юзасига шу қадар қаттиқ урилдики, ҳатто эгнидаги чўмилиш кийими ҳам йиртилиб кетди. Бироқ зарбадан Уакем ўзига келди ва сузиб, қирғоққа эсон-омон чиқиб олди.

«МАЙИЗ» ЕМАГАН ЭРКАК

1938 йили 82 ёшида вафот этган юқонистонлик Михолос Толотос, чамаси, аёл зотини кўрмаган дунёдаги ягона эркак бўлса керак. Унинг онаси тўлғоқ пайтида оламдан кўз юмди ва гўдакни ўша заҳотиёқ Антос тоғидаги монастирга жўнатишди. Бутун умрини Михолос шу ерда, тарки дунё қилган, жамики ҳою-ҳавасларидан воз кечган эркаклар орасида ўтказди.

АМФИБИЯ ОДАМ

1959 йилнинг 15 мартида Роберт Фостер Калифорниянинг Сак Рафаэл шаҳридаги ҳовузга тушди. Сувга шўнғишдан бурун у ярим соат давомида баллондан кислород ютди. Мазкур рекорд шўнғишни рўйхатга олиш учун мутахассислар, гувоҳлар ва... «тез ёрдам» тўпланишди, Роберт Ростер сув остида роппа-роса 13 дақиқаю 42 лаҳза тура билди.

ЕТМИШ ЙИЛНИ, ЕТТИ ЙИЛДА

Чарлз Чаризуорт 1829 йил 14 март куни Англиянинг Страффордшир шаҳрида дунёга келди. Тўрт ёшга тўлиб-тўлмасдан туйқус соқол-мўйловли сабза урди, у балоғатга етди. Чарлз муддатли даражада қартаярди: сочлари қордек оқарди, томирлари бўртиб чиқди, терисига ажин тушди. Чарлз етти ёшида кексаликдан вафот этди.

«СЕНИНГ РУХСОРИНГДА СЕВГИДИР ЗОҲИР...»

Қуёш ҳали кўринганича йўқ. Бироқ ҳали замон тоғ ортидан юз кўрсатиб, асовли нурлари билан оламни чароғон этади. Петрарка ҳаётидаги энг муҳим ва унутилмас тонг отиб келмоқда эди. Бир неча йил муқаддам, худди мана шундай апрел тонгида шоир илк бор қора кўз, гулбадан сулувни учратди ва шу дамдан у шеъриятнинг ягона тимсоли, илҳомчисига айланди. Қизнинг исми Лаура эди. Орадан 21 йил ўтиб Лаура оламдан кўз юмди. Уни ўлат олиб кетди.

Хўш, Петрарканинг бу улкан, алангали муҳаббатини бугун, орадан шунча аср ўтгач, қандай тушуниш мумкин? Ахир у аёл бировнинг рафиқаси, 11 фарзанднинг онаси эди. Умуман, шоир уни атиги бир неча бор, шунда ҳам узоқдан кўрганди. Бироқ, шунга қарамай, Петрарка умр бўйи Лаура тимсолини дилида сақлади. Бировнинг ҳасми эса-да, лекин дунёда борлиғининг ўзиёқ унга кифоя қилди. Албатта, шоир фаришта эмасди. Ўткинчи эҳтирос, ҳою-ҳавасларга юз тутган дамлари ҳам бўлди. Лекин уларнинг ҳеч бири шоирнинг Лаурага нисбатан муҳаббатини сўндиролмади.

Хўш, Лаура-чи? Албатта, шоирнинг дилидаги оташин туйғулардан у бехабар эмас эди. Бироқ ёниқ эҳтиросли мисралар, чиройини кўкларга кўтарувчи мадҳиялар ҳам унинг юрагини эритолмади. Шу асно шоир севги фақат лаззатгина эмас, оғу эканини ҳам тушунди.

Тасаввур қилингки, қаршингизда кадимги қўлёзма турибди ва сарғайган, асрлар нафаси қотиб қолган саҳифаларда ҳарфлар сўзларга, сўзлар жумлаларга уланиб, тангри ердаги уммати — Шоирга йўлламиш ўшал сирли маъвони мадҳ этмоқда.

«Исмлар ичрадир исминг, ягона,
Мармар юракни ҳам тилишга қодир.
Сенинг рухсорингда севгидир зоҳир...»

ЎЙЛАБ ҲАМ ТОПОЛМАЙСИЗ

1. Аждар ит билан тил топишадими?

2. Телевизор афзалми—хотин?..

3. Нархи арзон миллионер.

РОБИНЗОН УЧУН ТЕЛЕВИЗОР

25 000 ДОЛЛАР ЭВАЗИГА ТЕЛЕВИЗОРДАН УМРИНГИЗ ОХИРИГАЧА ВОЗ КЕЧИШГА РОЗИМИСИЗ!

АМРИҚОЛИК мутахассислар ўтган йил адоғида аҳолига шундай савол билан мурожаат қилдилар. Сўралганларнинг фақат 23 фоизигина мазкур саволга «Ҳа» деб жавоб берди. 46 фоиз одам розн бўлиши мумкинлигини билдирди, фақат... фақат берилажак пул миқдори бир милён долларга оширилган тақдирда. 25 фоиз киши эса бир милён долларга ҳам воз кечмаслигини айтди.

Амриқоликлар телевизорлар билан кўмиб ташланган, десак, муболаға бўлмайди. Хонадонларнинг 75 фоизида биттадан учтагача, 15 фоизида учтадан ортиқ телевизор мавжуд. Сўралганларнинг ярмидан кўпи телевизорни асосан хобгохда кўришини айтди. Уч фоиз одам эса ҳаттоки чўмилиш хонасида ҳам телевизор ўрнатганини маълум қилди. Уларнинг бирортаси ҳам экран қаршисида ўтказган вақтларига ачинмайди.

Хўш, қандай кўрсатувлар томошабинларнинг норозиликларига сабабчи бўлган. Сўралганларнинг 37 фоизи: «Зўравонликни тарғиб қилувчи кўрсатувлар ҳаддан ташқари кўп», деб, 27 фоизи эса: «Шаҳвоний саҳналар керагидан ортиқ», деб жавоб берди. Шуниси ажабланарлики, бу кекса авлоднинг эмас, 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган навқирон авлоднинг фикри.

Эр-хотинларнинг телекўрсатувлар билан боғлиқ дидлари мутаносиблиги тўғрисидаги саволга сўралганларнинг 70 фоизи «Ҳа» (яъни дидларимиз мос) деб, 26 фоизи эса «йўқ») (мос эмас) деб жавоб берди.

Шунингдек, сўров ташкилотчилари телевизор орқали қандай маҳсулотларни реклама қилиш жоиз эмаслиги ҳақидаги томошабинларнинг фикрлари билан ҳам қизиқдилар. Сўралганларнинг 48 фоизи — пиво ва вино, 36 фоизи — аёлларнинг ички кийимлари, 77 фоизи эса эркак ва аёл муносабатлари билан боғлиқ буюмларни реклама қилиш жоиз эмаслиги ҳақида фикр билдирдилар.

Ва ниҳоят, энг ажабтовури — мутахассислар. «Дейлик, кимсасиз оролда бир йил яшашингиз керак. Танланг: ўзингиз билан бирга телевизорни олиб кетасизми ё умр йўлдошингизними?; деган савол билан мурожаат қилдилар. Сўралганларнинг 93 фоизи суюкли ёстиқдошларини танлашди. Бироқ, шунга қарамай, хотини (ёки эри)дан телевизорни афзал билганлар ҳам (5 фоиз) топилди...

ЎЛИМ ОЛДИДАН СЎЗ

ПАЙМОНАСИ тўлган, жони узилиш арафасида... Хўш, инсон бу дам нимани ҳис қилади, нима ҳақида ўйлайди, сўнгги манзилга кузатиш учун тўпланганларга нима деб васият қолдиради?

Буюк кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир манбаларда жуда қизиқ ҳолларга дуч келиш мумкин. Тарихда кўпроқ буюк файласуф Суқрот (мелоддан аввалги 469—399 йиллар)нинг сўнгги сўзлари машҳур. Афина суди ҳукмига биноан оғу тўлдирилган қадаҳни сипқоргач, у Асклепийга бир хўроз қарздор эканини айтган. Бироқ айрим муаррихлар файласуф шу тарзда яқинларидан қарзини қайтаришларини сўраган, деб нотўғри изоҳлашади. Аслида эса гап лотинча «Эскуан» номи билан машҳур табобат худосига қурбонлик келтириш ҳақида кетган, зеро, бебаҳо танадан ажралиб, руҳи дардлардан фориғ бўлаётганига Суқротнинг ишончи комил эди.

Буюк рус шоири Пушкин (1799—1837)нинг ўлими олдидан айтган сўзлари ҳам турли адабий манбаларда турлича келтирилади. Шуниси ажабланарлики, уларнинг барчаси шоир ўлаётган пайт тепасида турган кишиларнинг гувоҳликларига асосланган. Хонадон врачи И. Т. Спасскийга ишониладиган бўлса, Пушкин жони чиқиши олдидан: «Умр тугади. Нафас қисяпти...», деган. В. А. Жуковский эса бошқа, бироқ мазмунан яқин жумлани келтиради: «Умр тугади... Нафас олиш қийин, сиқиб келяпти!» Шуниси қизиқки, ёзувчилик ишидан узоқ кишининг гувоҳлиги баланд-парвоз, китобий жаранглайди. Ёзувчининг шоҳидлиги эса содда ва ишонарли.

Сен Симон (1760—1825) ўз таълимотига шу қадар шўнғиган эдики, ҳатто паймонаси тўлган дамда ҳам суюкли қизи билан кўришишдан воз кечиб, сўнгги насиҳатини айтиш учун шогирдларини тўплади. Ҳаёт билан эса: «Ўз ишимиз ўз қўлимизда» дея шивирлаб видолашди.

Афиналик демократ Перика (мелоддан аввалги 490—429 йиллар) ўлаётганда дўстлари уни хушидан кетди деб ўйлаб, бири олиб, бири қўйиб хислатлари-ю, қўлга киритган ғалабаларини санай кетишди. Бироқ Перика базўр кўзини очиб, уларга эътироз билдирди: «Сизлар кўп саркардаларда бўлган ва тақдирнинг иродаси билангина қўлга киритилган зафарлар ҳақида эслаяпсиз. Асосий гапни эса айтмаяпсиз: «бирорта ҳам афиналик менинг орқамдан қора ридо киймади». Мазкур гапнинг яна бир нақли (аниқроғи таржимаси) ҳам мавжуд, унинг сўнгги жумласи қуйидагича: «...мен ҳокимлик қилган давримда бирорта ҳам афиналик ҳукмимга биноан қатл этилмади».

Рус бастакори Медост Мусоргский (1839—1881)нинг аянчли тақдири билан таниш кишигина унинг дилни ларзага солувчи сўнгги сўзлари моҳиятини тушуниши мумкин: «Ҳаммаси тугади. Оҳ, мен бахтиқаро!».

Бошқа бир буюк бастакор — Гектор Берлиоз (1803—1869)нинг тақдири ҳам ҳавас қилгулик бўлмаган. Умр бўйи мусиқадаги мавжуд тамойилларга қарши равишда ижод қилган бастакорга ўлими олдидан дўстлари ниҳоят унинг санъати Франциядатан олинаётганини маълум қилишганида, Берлиоз шундай деб жавоб беради: «Ҳаддан ортиқ кеч. Улар мен томон юришяпти, аммо мен уларни тарк этяпман». Ва шу бўйи оламдан кўз юмади.

Буюк шахсларнинг ҳаёт йўллари нақадар турлича кечмасин, аксарият ўлим олдидан айтилган сўзларда ўхшашлик мавжуд. «Мен қора ёғду кўряпман», дея оламдан кўз юмган эди Виктор Гюго (1802—1885). «Зулмат! О, зулмат!» деб жон беради Ги де Мопассан (1850—1893). Жасур Оноре Габриел Мирабо (1749—1791), «Франция инқилобининг қоплони» эса ҳаёт билан шундай деб видолашади: «Уйқу... Уйқу... Уйқу...».

Кислородли ёстиқдан воз кечган Антон Чехов (1860—1904)га врач қадаҳда шампан виноси беришни тавсия қилади. Адибнинг рафиқаси Олга Книппер Чехованинг ҳикоясича, у қадаҳни қўлига олди, ўзининг сержозиба табассуми билан: «Анчадан буён шампан виноси ичмагандим...», дея қадаҳни хотиржам охиригача бўшатди, сўнг оҳиста чап томонига ўгирилиб ётди ва кўп ўтмай абадий уйқуга кетди».

Дмитрий Менделеев (1834—1907) эса бошида ўтирган синглисининг ярим тунда сут ичиш ҳақидаги таклифига қатъий: «Кераги йўқ!» деб жавоб берди ва шу асно оламдан кўз юмди.

Василий Пушкин (1770—1830) ёруғ дунёни ушбу сўзлар билан тарк этди: «Нақадар зерикарли-я Катениннинг мақолалари!».

Франциялик машҳур файласуф ва олим Рене Декарт (1596—1650) эса ўлими олдидан шундай деб айтди: «Руҳим, йўлга чиқиш фурсати етди...».

— ИУҒ-Е... (Ҳажвчи ёзувчи Неъмат Аминов мухлислари даврасида).

КУНЛАРДАН БИР КУН БЕРНАРД ШОУ

МАШҲУР инглиз драманависи ва жамоат арбоби Бернард Шоу аския, ҳазил ҳамда пайровнинг тенги йўқ устаси ҳам эди. Шоу номи билан боғлиқ ҳангомаларнинг жуда кўпи бизгача етиб келган. Албатта, уларнинг барчасини ҳам ҳақиқатга яқин деб бўлмайди. Аммо... Яхшиси, бу тўғрисида ўзингиз хулоса чиқаринг.

Бернард Шоу озғин ва новча бўлиб, ташқи кўринишни очиғини айтганда, лондоқлик қиборлар доирасига унчалик ўтиришмасди. Тайинки, шундай шароитда мухлисларидан саналмиш лондонлик бир ойимқиздан мактуб келиши уни шошириб қўйди. Ойимқиз шундай деб ёзарди: «Муҳтарам жаноб! Сиз ниҳоятда ақлли ва истеъдодлисиз, мен эса гўзалликда танҳоман. Агар биз бир ёстиққа бош қўйсак, тасаввур қилинг-а, қандай ажойиб болалар туғиларди биздан!».

Шоу бунга қуйидагича жавоб қайтарди: «Муҳтарама хоним. Мактуб учун миннатдорман ва таклифингизни эътиборга лойиқ, деб ҳисоблайман. Фақат бир нарсадан ташвишдаман: фарзандларимизга туйқус менинг ҳусниму сизнинг ақлингиз мерос бўлиб ўтсачи?».

* * *

Бир мухбир Бернард Шоуга мурожаат қилиб, аёл зотининг ўзига хос жиҳати нимадан иборат экани билан қизиқди.

— Бирорта ҳам аёл зоти йўққи, бир суҳбат давомида ўттиз марта ҳайрлашмаган бўлсин, — деб жавоб берди Бернард Шоу.

* * *

Кунлардан бир куни Бернард Шоудан даромадлари тўғрисида маълумотнома ёзиб беришни сўраб қолишди. Шоу дарҳол ўтириб, маълумотномани виждонан тўлдира бошлади: «Ишда яна кимлар қатнашади» деган саволга жавоб бераркан, у шундай деб ёзди: «Аъло ҳазратларининг ғазнаси».

* * *

Бернард Шоунинг олдида кимдир детектив романлар муаллифи Эдгар чекмаса ёза олмаслиги ҳақида гапириб қолди.

Шоу хўрсиниб деди:

— Оҳ, қани эди-я, унга чекишни ташлаттириш имкони бўлса!

* * *

Бир ўртамиёна драманавис Бернард Шоуни пьесасининг премьерасига таклиф қилди. Ва у томошадан сўнг унга миннатдор оҳангда деди:

— Бошқаларга ўхшаб томоша пайти ҳуштак чалмаганингиздан хурсандман!

— Азизим, ахир, қандай қилиб бир пайтнинг ўзида ҳам эснаб, ҳам хуштак чалиб бўлади?

* * *

Қайсидир донғи кетган графамон пьесасини театрга тавсия этишини сўрайверибди, Бернард Шоуни безор қилиб юборди. Шоу жавоб берди:

— Йўқ, сўраманг! Камина театрда бепарда сўкинишлар янграшига йўл қўёлмайман.

— Ахир улар менинг пьесамда йўқ!

— Хўп, деяверинг, улар томошабинлар орасида янграйди!

* * *

Кунлардан бир куни Бернард Шоудан никоҳ тўғрисида фикр сўрашди.

— Бунда ҳам худди франкмасонлар уюшмасидагига ўхшаш ҳолатга дуч келиш мумкин, — деб жавоб берди Шоу. — Кимки унга кирмаган бўлса ҳеч нарса дея олмайди. Кирган одам эса умр бўйи мум тишлашга мажбур.

* * *

Бир америкалик миллионер зиёфат чоғи Шоу билан учрашиб қолди.

— Нима тўғрисида ўйлаётганингизни билиш учун бир доллар беришга тайёрман, — дея аския қилмоққа уринди миллионер.

— Исрофгарчиликнинг кераги йўқ, — деб жавоб берди Шоу, — менинг ўйларим бу қадар қиммат турмайди.

— Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас! Лекин барибир — нима тўғрисида ўйлаяпсиз?

— Сиз тўғрингизда.

Саҳифани ТУХТАМУРОД РУСТАМ тайёрлади.

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ.

Таҳрир ҳайъати: Одил ЕҚУБОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Абдуқодир ЭРГАШЕВ, Алишер ТЕШАБОЕВ, Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Муҳаммад АМИН, Аҳрор АҲМЕДОВ, Рустам БОЙМУҲАММАД, Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, Карим РАҲИМ, Сирожиддин РАУФ, Зайниддин РИҲСИЕВ — масъул котиб, Ислом ҲАМРО.

Таъсис этувчи: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32-уй. Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г-746 39084 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилгай, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 20.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.